

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК: 94+211.5+726.2

**ЮСУПОВ ДИЛШОДЖОН НЕЪМАТЖОН ЎҒЛИ**

**XX АСРНИНГ 30-40 ЙИЛЛАРИДА ДИНИЙ УЛАМОЛАРНИНГ**  
**ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

5А 120301 – Ўзбекистон тарихи

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

Илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди, доцент

**А.М.Салмонов**

Фарғона – 2017

Ушбу диссертация Фарғона давлат университети “Тарих” кафедрасида тайёрланди ва кўриб чиқилди.

**Кафедра мудири:** т.ф.н., доцент, **С.Т.Мирсоатова**

**Илмий раҳбар:** т.ф.н., доцент, **А.М.Салмонов**

**Ташқи тақризчи:** **Фарғона вилоят халқ таълими  
бошқармаси тасарруфидаги 4-сонли  
мактаб-интернати директори т.ф.н.  
З.Хотамов**

Магистрлик диссертацияси 2017-йил \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ да Фарғона давлат университети Тарих факультети бўлими биносида ҳимоя қилинади.

Магистрлик диссертацияси билан Фарғона давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19

ДАК котиби: \_\_\_\_\_

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ.....4-14**

**I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИСЛОМГА МУНОСАБАТИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР .....15-34**

1.1. Туркистон АССРда большевикларнинг мусулмон ташкилотларига нисбатан қонунларининг беқарорлиги.....15-23

1.2. Ўзбекистонда диний муассасалар фаолиятини чеклашга қаратилган қонунларнинг ишлаб чиқилиши.....24-34

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ РУҲОНИЙЛАР ВА МУСУЛМОН МУАССАСАЛАРИГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ.....35-52**

2.1. “Худосизлар” ташкилотининг диний муассасаларга нисбатан зўравонлик сиёсати.....35-47

2.2. “Хужум” ҳаракати диний уламоларга қаратилган қатағонликнинг дастлабки босқичи.....48-52

**III БОБ. МУСУЛМОН УЛАМОЛАРИНИНГ ОММАВИЙ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ.....53-74**

3.1. Вақф мулкларининг диний уламолардан тортиб олиниши ва ҳукуматнинг ислом муассасаларига қарши қатағонликнинг кучайтирилиши.....53-63

3.2. Оммавий қатағон йилларида ислом муассасалари ва уламоларига муносабатнинг аянчли оқибатлари.....64-74

**ХУЛОСА.....75-78**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....79-83**

## КИРИШ

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги:** Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг аввало миллий анъаналари, маънавий қадриятлари, ўтмиш тарихи, қадимий маданияти тиклана бошланди. Шундай экан совет тоталитар тузуми даврида барбод бўлган миллий қадриятлар ҳамда ўзбек халқининг ислом динига оид бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш, тиклаш ва бу соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш ҳозирги даврда тарихчиларимиз олдида турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ўзбек халқининг истиқлол йилларида тикланиб бораётган миллий қадриятлари ва тарихига тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: "Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди"<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, советлар ҳукумати ва компартия Туркистонда октябр ҳарбий тўнтаришини амалга оширган биринчи кундан бошлаб халқимизнинг миллий-диний қадриятларини йўқотиш йўлини тутди. Бу моҳиятан тушунарли холдир. Чунки, қизил мустамлакачилар халқимизни миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узок муддатда ҳукмронлик қила олмасликни яхши билар эди. Аммо бу ишни болшевиклар бирданига эмас, балки айёрларча, аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширдилар. Россия Совет Республикаси ХК совети 1917 йил 20 ноябрда эълон қилинган ва В.И.Ленин имзолаган "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" мурожаатида: "Сизнинг дин ва урф-одатларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз" деб эълон қилинади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997. Б – 140.

1918 йил 23 ноябрда эса В.И.Ленин имзоси билан черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет эълон қилди. Бу декрет давлат бош қонуни асосида тузилган Ўзбекистон ССР нинг 1927 ва 1937 йилларда қабул қилинган Конституциялари учун асос қилиб олинди ва виждон эркинлиги ғояси илгари сурилди. Амалда эса мутлоқ бошқа қонунлар ҳукумронлик қилди. Л.Троицкий болшевикларнинг динга қарши кураш тадбирларини бузиш борасида кўпгина беъманиликлар қилди. Дастурга кўра динга қарши кураш маориф, маърифат, тарғибот, тушунтириш ва партиявий шакллари орқали олиб борилиши керак эди. Л.Троицкий эса бу ишга ўта революционерлик тусини берди.

Большевиклар исломни, коммунистик ғояга муҳолифатда бўлган мусулмон рухонийларини ўзларининг асосий душмани деб билдилар ва уларга қарши кураш бошладилар, уламоларни йўқ қилишнинг турли усул ва воситаларини ўйлаб топдилар. Шулардан бири диний ташкилотларнинг вақф мулкларини тугатиш эди. Бу иш совет ҳукумати раҳбариятининг сиёсатига айланди. Большевикларнинг диний сиёсати туфайли совет даврида ўзбек халқининг маънавиятига путур етди, миллий одоб-ахлоқ издан чиқди.

Мана шундай кезларда советлар ҳокимиятининг ўтган асрнинг 20-30 йилларида амалга оширилган маъмурий буйруқбозлик ва зўровонлик сиёсатининг ёрқин ифодаси қишлоқда ўтказилган ер-сув сиёсати ва вақф ерларини тугатиш жараёнида намоён бўлди. Негаки моҳият эътибори билан асосан қолюқ аграр мамлакат саналган СССР ва унинг турли миллий ўлкаларида етарли илмий ва иқтисодий ҳамда ерли аҳолининг миллий қадриятларига асосланмаган ҳолда шошма-шошарлик билан ўтказилган сиёсати охир-оқибатда миллион-миллионлаб қишлоқ аҳолиси ва маҳаллий аҳоли учун мислсиз фожиаларни келтириб чиқарди.

Совет ҳокимияти, ҳукмрон партия ижтимоий тараққиётининг бориши, унинг табиий қонуниятларига зид ўлароқ бу жараёни қисқа муддатлар ичида зўравонлик ва мажбурийлик йўли билан ўтказиш сари йўл тутди.

Большевиклар ҳокимиятга келгандан сўнг 5 йил мобайнида вақф мулкларининг давлат хисобига ўтказилиши оқибатида, моддий таянчидан айрилган диний муассасага қарашли масжид, мадрасалар қаровсиз қолиб кетди.

Ўзбекистон халқи ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Барча соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда бу ҳолат инобатга олинмоқда. Ислום дини минг йиллар давомида халқимиз ҳаётида чуқур илдиз отган. Башарий ахлоқ нормаларини, миллий қадриятларни ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Одамларни поклаб юксалтирган. Ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Шунинг учун ҳам ислом дини инсонларни ишончли ҳамроҳи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда. Ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ислом дини бизнинг, қон-қонимизга, онгу шууримизга чуқур сингиб кетган. Уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Биринчи Президентимиз Ислום Каримов бу ҳақида шундай деб таъкидлайди: “Дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс хизмат қилди, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун асосларга эгамиз. Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри холда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда”<sup>2</sup>.

Ўша даврларда давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатда зиддиятли ва фожиали ҳолатлар кўп бўлган. “Ахлоқни ахлоқсиздан ўрган”

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.-7. Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. – 350-351.

деганларидек ўша фожиали ишлардан ҳам шундай хатоларни такрорламаслик учун тегишли сабоқ чиқариб олиш мумкин.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, болшевикларнинг исломни таъқиқлашларига, рухонийларни қувғин қилишига қарамай ўзбек халқи диний кадриятларни, урф-одатлар, анъаналарни маънавий бойлик сифатида қалбида, юрагида сақлаб қолди. Бу умуминсоний кадриятлар мустақиллигимизни мустаҳкам таянчларидан бири бўлди.

Мустақиллик туфайли республикада давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Республикада ислом динининг жамиятдаги қонуний ўрни тикланмоқда. Бугунги кунда диний ташкилотлар очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатмоқда. Янги масжидлар очилмоқда, исломий ўқув юртлар тармоғи кенгаймоқда, диний байрамлар, маросимлар эркин ўтказилмоқда. Диндорлар ўз фикрларини очиқ изҳор этмоқдалар, диний адабиётларни нашр этиш кенгаймоқда, “Ислом нури” газетаси, “Ҳидоят” журнали каби даврий матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Хуллас, мустақиллик йиллари диний ташкилотлар ва диндорлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида, умуминсоний кадриятларни қарор топтириш ишида тенг ҳуқуқли асосда фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистонда ҳар ким эркин фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 моддасида шундай дейилган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”<sup>3</sup>.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, мустақиллик йиллари виждон эркинлиги принциплари тикланди ва оғишмай амалга оширилмоқда. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида, 1995 йилда

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2014. Б. – 15.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинди. Бу қонунларда диний ташкилотларнинг мақомлари, уларнинг мулкӣ ҳолати, давлат идоралари билан муносабати, диний ташкилотлар ва фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Шунини эътиборга олиб мавзу ҳозирги кунимизнинг долзарб муаммоларини очиб беришга қаратилганлигини хулоса қилишимиз мумкин.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети:** Совет ҳокимиятининг ислом динига бўлган сиёсати тадқиқот объекти сифатида олиниб, унда советларни олиб борган ислом зиёлиларига, муассаса ва ташкилотларига қарши кескин муносабати, шунингдек вақф мулкларини тугатилиши ва унинг оқибатлари предмет сифатида олинди.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:** Кўзланган асосий мақсад тарихий далиллар ва архив ҳужжатлари асосида, асосан ХХ асрнинг биринчи ярмида советларни ислом динига қарши курашишини илмий жиҳатдан холисона баҳолашдир. Совет ҳокимиятининг дин ва диний муассасаларга нисбатан даҳрийликдан иборат нохолисона сиёсати, бу сиёсатнинг аянчли асоратлари очиб берилиши диссертация мақсади доирасига киради. Мана шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланиб олинди:

- совет ҳокимиятини ўрнатилиши, ислом динига ва унинг муассасаларига бўлган муносабатни ёритиш;
- олиб борилган диний сиёсатнинг моҳиятини ва унинг омилларини очиб бериш;
- совет ҳокимиятининг даҳрийлик кураши ва унинг сабабларига баҳо бериш;
- шу даврдаги диний муассасаларнинг аҳволини ўрганиш;
- вақф мулкларини тугатилиши ва унинг салбий оқибатларига илмий томондан ёндошиш;
- ўрганилган мавзу асосида илмий хулосалар чиқариш;



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Ватанимиз тарихини ўрганишда ва уни мустаҳкамлашда ислом дини ва диний кадриятлар муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда Туркистонда Советларни ислом динига қарши курашиши диссертациянинг асосий илмий янгилигини ташкил этади.

Шунингдек:

- Ўзбекистон тарихида Советлар даври номи билан из қолдирган даврни янада чуқурроқ ўрганишга имкон яратилди;

- совет ҳокимиятининг мусулмонларга, уларнинг диний муассаса ва ташкилотларига муносабати чоп этилган турли адабиётлар билан биргаликда тадқиқот мавзусига оид ҳужжатлари, даврий матбуот материалларининг ўзаро қиёсий таҳлили ўрганиб чиқилди;

- XX аср бошида фаолият олиб борган диний ташкилотлар ва муассасалар ўрни илмий таҳлил қилиб берилди;

- худосизлик учун кураш совет ҳокимиятининг даҳрийликдан иборат катъий сиёсий йўлини амалга татбиқ қилишдаги ўрни, таъқиб ва тазйиқлар, оммавий қатағонларнинг салбий оқибатлари кўрсатилди ва илмий таҳлиллар асосида ёритилди;

- совет ҳокимиятининг диний уламоларга қарши кураши ва уларга қўйилган жазо чоралари, уларнинг салбий оқибатлари илмий таҳлил этилди;

- динга муносабат турли даврларда турлича бўлганлиги ва сабаблари ўрганилди;

**Тадқиқотнинг асосий масала ва фаразлари:** Советларни Туркистонда ислом динига қарши курашишини ўрганишда кенг қамровли илмий хулосалар орқали қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- Ўзбекистон тарихи ва унинг даврларини ёритишда асосий омил бўлиши;
- диний муассасалар фаолиятини холисона таҳлил қилиш;
- миллий анъаналаримиз тарихини янада ривожлантириш;

- вақф муносабатлари тарихини тўлиқ очилиши;
- диний бағрикенглик ва ёшларни ёт ғоялардан асрашга имкон беради;

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи:** Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги мусулмон диний уламолар, муассаса ва ташкилотлар фаолияти, дин тарихи масалалари тарихчи, файласуф, этнограф, филолог, сиёсатшунос ҳамда социолог олимлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мавзу тарихшунослигига оид асарларни, илмий-тадқиқот ишларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- совет даврида чоп этилган адабиётлар, мақолалар, амалга оширилган тадқиқотлар;

- мустақиллик йилларида нашр қилинган адабиётлар ва олиб борилаётган тадқиқотлар.

Октябр тўнтаришидан сўнг дастлабки ўн йилликда ёзилган илмий асар, рисола ва мақолаларда мусулмон ташкилотлари ва диний муассасалар фаолияти бир қадар ҳолисона ёритилган.

Жумладан, Г.Сафаров<sup>4</sup>, Н.Борисов<sup>5</sup>, В.Билик<sup>6</sup>, Ш.Раҳим<sup>7</sup>, Л.Дембо<sup>8</sup>, Т.Рисқулов<sup>9</sup>, Р.Иноғомов<sup>10</sup>, А.М.Салмонов<sup>11</sup>, В.Бартолд<sup>12</sup>, П.Сербов ва А.Никифоров<sup>13</sup> кабилар томонидан ёзилган бир қатор китоб ва мақолаларда диний муассасалар, диний таълим, унинг моддий асоси бўлган вақф мулкларига муносабатда тарихий маълумотлар нисбатан объектив баён қилинган.

---

<sup>4</sup> Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). – М., 1921.

<sup>5</sup> Борисов Н. Октябрь в Туркестане. - Т., 1922.

<sup>6</sup> Билик В.П Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. – Т., 1922. -№ 1. – С. 18-33.

<sup>7</sup> Рахим Ш. Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳолати (маориф ҳафтаси муносабати билан чиққан). – Т., 1923

<sup>8</sup> Дембо Л. И. Земельный строй Востока. – П., 1923.

<sup>9</sup> Рыскулов Т. Революция и коренное населения Туркестана. Часть I. 1917-1919 гг. – Т., 1925

<sup>10</sup> Инагамов Р. Узбекская интеллигенция. – Т., 1926

<sup>11</sup> Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Фарғона: 2008.

<sup>12</sup> Бартольд В.В. Культурная жизнь Туркестана. – Л., 1927

<sup>13</sup> Сербов П.И., Никифоров А.Д. Народное просвещение в Узбекистане. Самарканд. Ташкент. 1927,

В.Бартольднинг “Мусулманский мир” (“Мусулмон дунёси”) номли диний масалага бағишланган йирик тадқиқотида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги диний сиёсат моҳияти очиб берилган. Мазкур асарда ислом тарихи, унинг шарқ халқлари орасида тарқалиши, XX асрнинг 20 йиллари арафасидаги диний аҳволга умумий тавсиф бериб ўтилган.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг, совет тузумини барқарорлаштириш жараёнида диннинг моҳияти, унинг жамиятга таъсири масалалари илк бор танқидий руҳда баён қилинади. Уларда диндор кишилар камситилиб, дин тарихи сохталаштирилди ва диний муассасаларга салбий муносабат ошкора тус олди.

XX асрнинг 20-30 йилларида совет тарихшунослигида бир ёқлама, кўп далиллар четлаб ўтилган, мураккаблик ва зиддиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда яратилган асарлар қаторига А.Адҳамов, П.Кухарскийларнинг дарсликларини кўрсатиш мумкин<sup>14</sup>. Уларда таъкидланишича, совет ҳокимияти динга қарши сиёсатининг ташвиқот марказлари ҳисобланган клублар, қизил бурчаклар, қизил чойхоналар, колхозчилар уйи каби муассасаларнинг фаолиятига асосий эътибор қаратган. Чунки, совет ҳокимиятининг маъмурий буйруқбозлик тизими тобора мустаҳкамланиб бориши билан большевиклар маданий-оқартув муассасалари зиммасига халқ оммаси онгига даҳрийлик ақидаларини сингдириш, уни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, диний тушунчаларни инсонлар онгидан бутунлай чиқариб ташлаш вазифасини юклаган эди. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган муаллифларнинг асарларида маданий муассасалар тарихи, уларнинг фаолияти масалалари даҳрийликка йўналтирилган ҳолатда кўрсатилган.

“Қайта қуриш” йилларида миллий ўзликни ва қадриятларни қайта тиклаш жараёнининг бошланиши, дин ва диний муассасалар тарихини бир қадар холисона ўрганиш имкониятини берди. Ушбу йилларда Ўзбекистон мусулмонлари учун диний марказ томонидан диний-ижтимоий “Ислом нури”

---

<sup>14</sup> Рашидхон. Диний қурбонлар. – Самарқанд-Тошкент, 1928; Худосизлар тўғараги учун дарслик. – Тошкент-Самарқанд, 1929; Адҳамов А. Дин ҳам шўролар ҳукумати. – Самарқанд-Тошкент, 1929; Кухарский П. Худосизлар байналминал тарбия ва байналминал халқ. – Т., 1933.

газетаси ҳар 15 кунда нашр этила бошланди, Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимаси илк бор “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. Шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларидан намуналар, Имом Исмоил Бухорийнинг саҳиҳ ҳадис тўпламлари, “Ал-адаб ал-муфрад” номли ахлоқий ҳадислар тўплами нашр қилинди. Имом Термизий ҳадислари тўплами ҳам кўп нусхада босмадан чиқди.

И.Алимовнинг илмий ишларида ҳам диний масалада холислик мезонида ижобий фикр билдирилган. Тадқиқотда Туркистон АССРда совет ҳокимиятининг дин ва диний муассасаларга муносабатидаги хатоликлар, вақф мулклари тугатилиши билан боғлиқ салбий оқибатлар янги давр ва янги тафаккур нуқтаи назаридан ўрганилди ва баҳо берилди<sup>15</sup>. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг тарихчилар олдида ҳам кенг имкониятлар ҳамда вазифалар пайдо бўлиб, совет ҳокимиятининг мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолиятига муносабати холисона очиб берила бошланди. Бу жараён негизида тадқиқ этилаётган мавзу тарихшунослигининг янги даври бошланди. Мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар ва тадқиқотлар мавзунини ўрганилганлик даражасининг иккинчи гуруҳини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан янги тафаккур ва миллий истиқлол мафқураси асосида йирик монографиялар<sup>16</sup>, дарсликлар<sup>17</sup> ва ўқув қўлланмалар<sup>18</sup> чоп этилди. Уларда Ўзбекистон мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар берилиб, совет

---

<sup>15</sup> Алимов И.А. Из истории решения вакфного вопроса в первые годы Советской власти в Узбекистане // Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения).-Т.,1991. – С. 239-254.

<sup>16</sup> А.М.Салмонов Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Фарғона: 2008.

<sup>17</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Т., 2000.

<sup>18</sup> Ражапова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йй.) 9-синф учун дарслик. - Т., 1994; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.) 10-синф учун дарслик. -Т.; «Шарқ», 2000. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй.). -Т.: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). - Т., 2003.

ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан олиб борган даҳрийлик сиёсати мазмун-моҳияти баён қилинган.

Бу йилларда совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга муносабатига оид кўплаб асарлар<sup>19</sup>, рисола<sup>20</sup> ва мақолалар<sup>21</sup> чоп этилди.

М.Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертациясида Туркистондаги совет ҳокимиятининг буюк давлатчиликдан иборат марказлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини ёритган бўлса, Б.Расуловнинг тадқиқотида архив фондларидаги бирламчи манбалар ва уларнинг тарихий таҳлили асосида Туркистондаги мусулмон маориф тизими, Россия империяси даври ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида уларга тазйик ўтказиш сиёсати ва унинг оқибатлари ёритилган.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида ёзилган тадқиқотлар XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистондаги мусулмон муассасаларининг аҳволи, улар фаолиятини чеклаш сабаблари ва жараёни, диний уламоларнинг катағон қилиниши, совет давлати мустабид тузумининг беқарор диний сиёсатига оид баъзи фактик материаллар мавжуд.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:** Олиб борилган магистрлик илмий тадқиқотнинг услуби бошқа услублардан анча фарқ

---

<sup>19</sup> Алимова Д. А. Ўзбекистон мустабид тузум даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари (1917-1990 йй.). -Т.: Фан, 2000; Бабаханов Ш. Муфтий Зияуддинхон ибн Эшан Бабахан: жизнь и деятельность. -Т., 1999; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. -Т.: Маънавият, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йй.). -Т., 2000; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Т.: Маънавият, 2002; Хайитов Ш. А., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз колганлар қисмати. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2005; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). -Т.: Шарқ, 2003; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. –Т.: Шарқ, 2001; Ўша муаллиф. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошларимиз қисмати. -Т.: Шарқ, 2005.

<sup>20</sup> Болтабоев С. Туркистонда вақф мулклари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Наманган, 2005; Расулов Б. Туркистонда мактаб ва мадрасалар тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Андижон: Андижон нашриёти, 1995.

<sup>21</sup> Алимов И. А. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори // Халқ таълими. -Тошкент, 1993. - № 10-12. - 5-8 б.; Зиёева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари 20-30-йиллар талқинида //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент, 1998. -№ 1. -Б.67-73; Алимова Д. А. Ислам и “воинствующий” атеизм в литературе Узбекистана 20-30-х годов //O'zbekiston tarixi. -Тошкент, 2000. -№ 4. -Б.58-65; Ҳасанов Б. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-30-е годы и их последствия //O'zbekiston tarixi. - Тошкент, 2000. -№ 1. -Б.104-107; Лунин Б. Происхождение и судьба Корана Османа // O'zbekiston tarixi. - Тошкент, 2001. -№ 4. -Б.18-26; Расулов А. Усмон Мусхафи Тошкентга қачон қайтарилган? //Имом ал-Бухорий сабоқлари. -Тошкент, 2002. - № 3. -Б.165-166; Мустафаева Н. Туркистон маорифи XX асрнинг 20-йиллари муаллифлари назарида // O'zbekiston tarixi. -Тошкент, 2004. -№ 3.-Б.33-45; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати // O'zbekiston tarixi. -Тошкент, 2005. - № 2. - Б.35-41 ва б.

килади. Бунда ҳозирги кунда ривожланиб бораётган оғзаки тарих услубидан қисман фойдаланилди. Бунда шаҳар ва қишлоқларда ҳозирги кунда яшаётган ва ана шу даврни ўз кўзи билан кўрган шахслар билан бевосита суҳбатлар олиб борилди ва уларнинг видео тасвири ва овози ёзиб олинди. Бу усулда тадқиқотни ёритишда унинг ҳаққонийлиги ошади. Шаҳслар томонидан айтилган фикр ва мулоҳазалар қоғозга туширилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** Магистрлик диссертациясида тарихий воқеаларнинг илмий таҳлили миллий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида баён этилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган халқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош қомуси, виждон эркинлигини кафолатлайдиган ҳукумат қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари ишга асос қилиб олинди. Ислом дини, диний қадриятлар ва маънавий маданиятнинг аҳамияти ҳамда тарихни ёритишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва республика анжуманларида сўзлаган нутқ ва маърузалари, илмий анжуманлар ва конференцияларда босиб чиқарилган мақолалар диссертациянинг илмий-методологик асосини ташкил этди. Диссертация мавзусида тарихни тадқиқ қилишнинг ҳаққонийлиги ва холислик, тарихийлик тамойилларидан келиб чиқиб, масала моҳиятини бирламчи манбаларга таяниб ёритилди. Шунингдек, диссертацияда баён қилинган маълумотлар, хулосалар янги авлод онгида совет даври билан боғлиқ тарихий жараёнларни тўғри акс эттиришда, мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлашда, истиқлол берган имкониятдан унумли фойдаланишда хизмат қилади.

**Иш тузилмасининг қисқача тавсифи:** Диссертация кириш, уч боб, ҳар бир боб иккита бўлимдан ҳамда хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИСЛОМГА МУНОСАБАТИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР**

## **1.1 Туркистон АССРда большевикларнинг мусулмон ташкилотларига нисбатан қонунларининг беқарорлиги**

Россия империясининг пойтахти Петроградда 1917 йилнинг февралида юз берган буржуа-демократик инқилоб натижасида вужудга келган кўш ҳокимият Муваққат ҳукумат ва ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари Россияни кўп асрлик монархиядан воз кечиб демократия йўлига кирганлигини бутун дунёга маълум қилди.

Инқилобдан сўнг эълон қилинган озодлик, тенглик, мустақиллик ҳақидаги шиорлар, жорий қилина бошланган демократик ўзгаришлар империянинг мазлум халқлари қатори мустамлака Туркистонда ҳам кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. Инқилобнинг кучли таъсири остида ўлкадаги миллий, сиёсий уйғониш, халқнинг ўз-ўзини англаш жараёни тезлашди.

Мусулмон аҳлининг миллий истиқлол, озодлик, эрк ва маърифат, мустақил миллий давлат қуриш ҳақидаги орзу-умидларини уйғотиб уни сиёсий қарашдаги иштирокини кучайтирди.

1917 йилнинг февралида Петроградда содир бўлган демократик инқилоб Россия ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қонунлар қабул қилди. Қисқа вақт ҳукмронлик қилган Муваққат ҳукумат даврида виждон эркинлигининг эълон қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Феврал инқилобидан сўнг эълон қилинган озодлик, тенглик, мустақиллик ҳақидаги шиорлар ва татбиқ қилина бошланган демократик ўзгаришлар империянинг мазлум халқлари қатори мустамлака Туркистонда ҳам кўтаринки руҳда кутиб олинди. Ўлкадаги диний ва сиёсий ташкилотларнинг фаолиятида жонланиш сезила бошланди. Инқилобнинг кучли таъсири остида миллий-сиёсий уйғониш, халқимизнинг ўз-ўзини

англаш жараёни тезлашди. Россия империяси хукмронлиги йилларида Туркистонда жамият ва ташкилотлар очик сиёсий фаолият кўрсата олмаган бўлса, Феврал инқилобидан сўнг қисқа вақт ичида ўнлаб жамият ва ташкилотлар очик иш юрита бошлаб, Тошкентнинг ўзида 20 га яқин мусулмон жамиятлари мавжудлиги манбаларда қайд этилган<sup>22</sup>.

Февраль инқилоби чоризм даврида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти орқали Туркистон халқларининг миллий онгини ўстириш, уларни ватанпарварлик, тараққиёт ва эркинликка ундаган Туркистон жадидларининг сиёсий мавқейини кучайтирди ва миллий-демократик кучларнинг етакчиси даражасига кўтарди. Жадидлар демократик инқилоб эълон қилган тамойилларга катта умид боғлаб миллий бирликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятни ривожлантириш ва ҳар қандай маданиятли давлатнинг энг биринчи вазифаси бўлган маориф ишини яхшилашга интилдилар. Жадидлар ташаббуси билан “Шўрои ислом” “Шўрои Уламо”, “Турон” ташкилотлари ва “Турк одами марказий федерали фирқаси” тузилди. Матбуот саҳифаларида Туркистон мусулмонлари “Дин, миллат ва Ватан ривожу учун хизмат этиш”га чорлади. Кўплаб усули жадид мактабларини очдилар, ҳамда миллий мактаб қурилишига катта эътибор бердилар.

1917 йилнинг 14 июлида Муваққат ҳукумат “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилди. Бу қонунга мувофиқ қуйидаги диний эркинликлар эълон қилинган эди: “Мамлакатда барча динлар қонун олдида баробарлиги, ҳар қандай динга эътиқод қилишидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги, қонунчиликни умумий талаблари асосида диний уюшмалар ташкил этиш, монийсиз чиқиш ва бошқасига ўтиш, фуқароларни диний эътиқодидан қатъий назар барча ҳуқуқий бурчларидан фойдаланиш, унга риоя этиш кабилар. Аммо қонунда атеист бўлиш ва динга қарши сиёсат юритиш мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай гап юритилмаган”<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Закий Валидий. Уюшмаган миллат инқирозга маҳкум. //Турон тарихи. -Т., 1992. -№1. – Б.21.

<sup>23</sup> Алексеев В. Иллюзии и догмы. – М. Политиздат, 1991. – С. 17.



Ушбу қонунни барча диний ташкилотлар эътирозсиз яхши муносабатда қабул қилишди. “Виждон эркинлиги тўғрисида”ги қонун барча динларни ўз ташкилотларини ташкил этишга, диний муассасаларни марказлаштиришга имконият яратди. Муваққат ҳукумат сўнгги кунларига қадар диний муассасаларга қарши ҳеч қандай салбий ҳаракат содир этмади.

1917 йилнинг 27 октябрида Петроградда қуролли кўзғолон ғалаба қозонди. В.И.Ленин бошчилигида халқ Комиссарлар Совети тузилди ва бутун ҳокимият большевиклар кўпчиликини ташкил этган Шўролар кўлига ўтди. Бу воқеа чор Россияси империясининг барча тобе ўлкалари қатори Туркистондаги ижтимоий ҳаётга жуда катта ўзгартиришлар киритди.

1917 йил 1 ноябр куни Туркистон ўлка Совети, Тошкент Советининг ижроия Кўмитаси ва Ҳарбий Комитет Тошкентда ҳам қуролли кўзғолон ғалаба қозонганлиги ва муваққат ҳукумат ағдарилганлиги тўғрисида аҳолига қаратилган мурожаати билан хабар бердилар.

Туркистонда большевикча тартиблар ўрнатилган дастлабки кунларданок, ҳукумат сохта, “дабдабали” декларациялар эълон қилиш орқали аҳолини большевикча режимга ижобий муносабатда бўлишини кўзлаган эди. Совет ҳукумати вужудга келганлигининг дастлабки кунларида қабул қилинган икки тарихий ҳужжат айнан шу мақсадга йўналтирилган эди.

1917 йил 2 ноябрда: «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» ва ушбу йилнинг 20 ноябрида “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаатномаси эълон қилинди. Унда барча фуқароларнинг тенглиги, бошқа халқларнинг эса Россия Федерациясидан хаттоки ажралиб чиқиши ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи, миллий, диний имтиёзлар ва чеклашларни бекор қилиш қабила расмий равишда баён қилинган эди.

Мурожаатномада – «Россия мусулмонлари, Волгабўйи Қрим татарлари, Сибир ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказиянинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари, сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён

эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан баҳузур тузаверингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз, ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидек ва ўз хошингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим, сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда”,<sup>24</sup> – деб ёзилган.

Совет ҳокимияти Туркистонни Россияга тўла бўйсундириш учун Марказнинг ҳар қандай қарор ва декретларни татбиқ қилиш ва бажарилишини таъминлаш сиёсатини юритди. Бу билан мустамлакачилик тузуми ўзгармасдан давом этиши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий аҳолининг давлат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга уринишлар ҳамда биринчи миллий ҳукуматни, яъни Туркистон мухториятини<sup>25</sup> қонга ботирилиши, совет мустабид тузумининг зўравонлик сиёсатини дастлабки кунлардаёқ намоён қилди.

1917 йил охирида Туркистонда большевик тартибларни мустаҳкамлаш ҳамда, совет маъмурий тузумини ўрнатиш мақсадида қизил гвардияни ташкил қилиш билан боғлиқ махсус қарор қабул қилинди. 1918 йил феврал ойидан бошлаб, Туркистон халқлари тарихи ва маданиятидан хабарсиз асосан европаликлардан иборат Қизил армия тузилди. Туркистон ҳудудида миллий-озодлик кучлари билан кескин курашлар бошланди. Бу курашда диндорлар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани ва реакцион кучи деб ҳисобланди. Қозилар, шариат пешволари, мулла ва имомлар қизил армия қисмлари томонидан ҳисобга олина бошланди. Динга қарши кураш ниқоби остида “Андижондаги Жомеъ масжиди мусулмон отрядининг казармасига айлантирилди. Қизил армия отрядлари масжид ва мадрасаларда намоз ўқиб турган домла ва уламоларга ҳужум қилдилар, у ерларга бомба ташлаб харобазорга айлантирилди”, деб таъкидланади архив манбаларида.

---

<sup>24</sup> Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.). -Т.: Университет, 2002. – Б.43-44.

<sup>25</sup> 1917 йил ноябр, 1918 йил феврал.

Қизил кўшинларининг диний муассаса ва ташкилотларга бу каби вахшиёна муносабати 1918 йилда Самарқанд шаҳрида ҳам амалга оширилган. Самарқанд шаҳрига етиб келган аскарлар қаршилик ҳаракати иштирокчиларини таъқиб қилиб, марказий масжидгача етиб боришади, масжидни отхонага айлантириб, эрталабгача маҳаллий аҳолини сафга тизиб отиб ўлдириш мусобақасини уюштиради<sup>26</sup>.

Ҳолбуки, 1917 йилнинг октябридан декабрига қадар РСФСР ХКС диний ва миллий масалаларга оид 7 та қарор ҳамда декрет ва ҳужжатлар қабул қилди. Мазкур декрет ва ҳужжатларнинг барчасида диний ташкилот-муассасаларга ва диндорларга ҳаққоний муносабатда бўлиш қайд қилинган эди.

1918 йилнинг 23 январида РСФСР ХКС томонидан “Черковни далатдан ва мактабни черковдан ажратиш” тўғрисидаги декретда 13 моддадан иборат фикрлар жамланган. Туркистон АССРнинг 1918 йилнинг 20 ноябридаги буйруғида эса “Мусулмон халқ оммасининг тушунмаганлиги ва маданий даражасининг пастлигини ҳисобга олиб, истисно тариқасида мусулмон мактабларида таҳсилни давом эттириш кўрсатилган”.<sup>27</sup> Чунки мусулмон мактабларини моддий жиҳатдан таъминлаш асосан вақф мулклари ихтиёрида бўлиб, муаллимлар ҳам мадраса мударрислари эди. Қолаверса, Туркистон АССРдаги иқтисодий аҳвол мактабларни давлат маблағлари ҳисобидан қоплаш имкониятини бермасди. Буйруқда фақат мусулмон мактабларидаги ўқувчиларга таҳорат қилишга руҳсат этилди.

Муваққат ҳукумат ҳукумронлиги ва совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда Туркистонда бир қатор ташкилотлар вужудга келди. “Туркистон мусулмонлар шўроси”, “Шўрои Исломия”, кейинчалик “Шўрои уламо”, “Турон” каби сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан “Иттифоқ ул-Муслимин” деб номланган партия тузишга қарор қилди. “Шўрои Исломия” раҳбарларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов дин

<sup>26</sup> Б. Қосимов. Жадидчилик. Т., 1990. – Б.74.

<sup>27</sup> Фарғона Вилояти Давлат архиви. (Фарғона ВДА.), 57-фонд, 1-рўйхат, 146-иш, 89-варак.

ва миллат бирлиги масаласини ўз урф-одатларимиз ва турмушимиз тарзини, исломий қадриятларимизни қатъий туриб ҳимоя қилиш талаби билан чиқди.

Диний муассаса ва ташкилотларни бир мақсад йўлида Ватан равнақи, юрт озодлиги каби ғоялар асосида бирлаштириш масаласи тараққийпарвар кучлар томонидан кун тартибига қўйилди. Туркистон ўлкаси аҳолисини ягона мақсад остида бирлаштириш учун фақатгина тараққийпарвар зиёлиларни куч-қудрати етмаслиги, эскича фикрдаги халқ орасида етарли таъсир ва нуфузга эга бўлган диний уламоларни ҳам бу ишга жалб қилиш кун тартибидаги вазифалардан бири бўлган. Лекин мусулмон ташкилотларининг бирлигига эришиш “Завилли Шерали Лапин” (Мустафо Чўкай ўғли) сингарилар туфайли амалга ошмади.

Туркистондаги большевиклар қарори билан бирин-кетин маҳаллий мусулмон ташкилотларини ва матбуот органларининг фаолиятини таъқиқлаб қўйдилар. 1918 йил 13 майда Туркистон ХКС нинг 143-рақамли буйруғи билан “Шўрои Уламо” ташкилоти ва унинг ўзбек тилида чоп этилиб келинган “Ал-изоҳ” газетаси нашри тўхтатилди. 1918 йил 13 майда чиқарилган ушбу буйруқда “Тошкентдаги Уламо” мусулмон ташкилоти ҳам ишчилар синфи манфаатига тўғри келмаганлиги учун тугатилади. Унинг бутун мол-мулки ва буюмлари халқ фондига ўтказилади. Ушбу буйруқни бажарилиши комиссарликнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда миллий ишлар бўйича комиссарлик зиммасига юклатилади”. “Ал-изоҳ” газетасини эса ушбу буйруқ чиққан кундан бошлаб чоп этиш, сотувга чиқариш тўхтатиб қўйилган ва таҳририят фаолияти чекланиши мутасадди идоралар зиммасига юклатилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки фаолияти давридаёқ Туркистон АССР халқ маориф комиссарлиги 1918 йил 14 декабр 6486-сонли буйруғини эълон қилди. Бунга асосан мусулмон мактабларини маблағ билан таъминлаш тўхтатилди, вақф мулклари мусодара қилинди.

Туркистонда азалдан маориф ва маданиятнинг моддий таянчи бўлган ва мутаваллилар томонидан бошқарилиб келинаётган вақф мулкларидан

фойдаланиш (1918 йилдан 1920 йилгача вақф мулклари давлат ва маҳаллий ташкилотлар бюджетига киритилади, мадраса, қорихоналар ёпиб қўйилади, шариат асосида иш кўрувчи қозилик судлари тугатилади), тўхтатиб қўйиш, уларни давлат ҳисобига мусодара қилиш сиёсати юритилганлиги ҳам диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига жуда катта таъсир кўрсатади. Ислом муассасалари давлат томонидан бериладиган имтиёзлардан маҳрум бўлгандан, қўл остидаги мол-мулклар мусодара қилингандан сўнг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун ҳам ушбу йилларда диний уламолар Совет ҳокимиятига қарши норозилик кайфиятини ифода қилар экан, улар асосан вақф мулклари бўлган ер, қарвонсарой ва савдо расталари, ҳунармандчилик устахоналари, хонақоҳ, масжидларни ўз эгаларига қайтаришни талаб қилдилар.

1918 йил 20 ноябрда ТАССР халқ депутатлари совети ушбу қарорни ўзида қабул қилиб, диний ташкилотларни юридик объект бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Ушбу қарорга мувофиқ диний тадбир ва маросимлар жамоат ҳуқуқини бузмаслиги, фуқаролар осойишталигига путур етказмаслиги лозим эди. Россиядаги бўлгани каби Туркистондаги мусулмонлар диний эътиқоди билан боғлиқ барча масалалар Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлиги қошида ташкил этилган махсус бўлим 1918 йил майдан бошлаб давлатни диндан ажратиш тадбирларини ўз зиммасига олди<sup>28</sup>.

Таъкидлаш жоизки совет давлати ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ислом дини, мусулмон халқларига нисбатан муносабатини эҳтиёткорона тарзда амалга оширди. “Мусулмон” атамаси ортида Россия чекка миллий ўлкаларида миллионлаб аҳоли истиқомат қилар, улар билан эса бевосита тўқнашувга бормаслик, янги ҳукуматга ҳайрихоҳ қилиш учун эса ўзига хос ёндашув керак эди. Мусулмонлар эътиқодига зид равишда очик сиёсат юритиш совет ҳукмронлигига чек қўйилиш билан изоҳланар эди. Аҳоли ичида руҳоний ва муллалар таъсирини кучлилиги эса совет давлати учун уларни ўз сиёсий манфаатларидан фойдаланишга ундар эди.

---

<sup>28</sup> Куроедов В.А. Религия и церковь в Советском государстве. М., 1981., – С.46

Рухонийларнинг маълум қисми октябр тўнтаришидан сўнг коммунистик ва исломий ғоялар муштараклигини қувватлаб “совет ҳокимияти ва шариат” деб ном олган шиорни ўртага ташлади<sup>29</sup>.

1918 йил “Уламо” ташкилоти ўз мурожаатида ислом ва социализм ғоялари ҳамоҳанг бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаган эди. Совет давлатининг исломга нисбатан аввал бошдаги сиёсати, шунингдек, аҳолининг маълум қатламларида ҳам ишонч уйғотиб, 1917-1920 йиллар оралиғида Туркистонда советлар давлатига ишонч билдирган кўплаб мусулмон-коммунистларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

1919-1920 йилларда масжидларни вақф мулкларини тортиб олиш сиёсати ҳам кутилган натижани бермагач, кўп ҳолда масжидлар “инқилобий ғоялар”ни тарғиб этадиган жойлардан ҳам бирига айлана борди.

1922 йилдан бошлаб никоҳ, оила ва васийлик хусусидаги қонунларга ҳам янгиликлар киритилди. Унга кўра никоҳ ёши қизлар учун 16 ёш, эркеклар учун 18 ёш қилиб белгилаб қўйилди. Бу ўз навбатида хотин қизлар масаласига ижобий муносабатни юзага келтирар, ёш турмушга бериш масаласига анча чек қўяр эди. Ундан аввалроқ Туркистон МИҚнинг 1921 йил 14 июндаги декрети билан қалин пули олиш маън этилиб, уни бузган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди<sup>30</sup>.

Маҳаллий аҳолининг ўзига хос диний-маънавий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 1921 йил январидан бошлаб жума куни дам олиш куни деб эълон қилинди. Шу давр тарихига назар ташланганда “Маҳкамаи шариъа” хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бир гуруҳ тараққийпарвар мусулмон рухонийлари 1918 йили ўз таъсирларини ўтказиш ва янги ҳукуматга ҳайрихоҳлик қилиш мақсадида “Маҳкамаи шариъа” ташкилотини тузган эдилар. Аввал бошида мазкур тузилма совет давлатини асосан қўллаб қувватлашини билдирди. Кейинчалик, яъни 1924 йил бошларига келиб бу ташкилот мақомини янада аниқлаштириш ва самарасини ошириш мақсадида

<sup>29</sup> Одилов А.А Совет ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаги диний сиёсат тарихидан. //ЎзМУ хабарлари. – Т., 2008. -№2. – Б. 80.

<sup>30</sup> Ўша жойда.

“Назорати диния” муассасасига айлантирилди. Диний муассасалар ва ислом дини зиёратгоҳлари билан боғлиқ масалалар асосан унинг ихтиёрида бўлди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Совет ҳукмронлиги дастлабки даврида олиб борилган диний сиёсат аввал бошда шундай даражада кечди. Шубҳасиз, бу янги ҳукуматнинг вақтинчалик ўзига хос ёндашув сиёсати бўлиб, тез орада ўзининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини намоён этди.

## 1.2. Ўзбекистонда диний муассасалар фаолиятини чеклашга қаратилган қонунларнинг ишлаб чиқилиши

Ўзбекистон ССР ташкил топиши арафасида РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР ҳукумати диний муассаса ва ташкилотларга муносабатда ўзининг 1920-1922 йиллардаги нисбатан “юмшоқлик” сиёсатини ўзгартириб, РКП(б)нинг XII съездида (1923 йил апрел) динга қарши кескин ташвиқотни йўлга қўйиш тўғрисида махсус резолюция қабул қилиб, унда Республиканинг ўн миллионлаб фуқаролари диний хурофотлардан узил-кесил ва тамомила фориғ бўлиши алоҳида қайд қилинган эди<sup>31</sup>.

Совет ҳукумати ҳали ўзининг сиёсий ва маъмурий асосларини мустақкамлашга улгурмаган 1920 йилларда, кишилар онгидан динни чиқариб ташлаш сиёсатини у қадар тарғибот ва ташвиқот қилишга журъат қилмаган, даҳрийлик сиёсатини ижрочилари ҳисобланган коммунистлар таркибида ҳам асосан диний эътиқоддан юз ўгирмаган ходимлар кўпчилиқни ташкил қилар эди. Жумладан, 1923 йилда Бухоро компартияси аъзоларининг 65,5% динга эътиқод қилувчилар бўлган. РКП(б) XII съезди резолюциясида 30 миллионли Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисми диний эътиқод билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланади<sup>32</sup>.

Аслида диний муассаса ва ташкилотларга синфий ёндашув Марказда 1920 йилдаёқ авж олдирилган бўлиб, бу фронтга совет ҳукумати ва большевикларнинг етакчи арбоблари: Н.К.Крупская, И.И.Скворцов, Б.С.Степанов, А.В.Луначарский, В.Д.Бонч-Бруевич, П.А.Красиков, Е.М.Ярославский, Я.Рудзутак, А.И.Риков, Н.И.Бухарин, пролетар шоир ва ёзувчилардан А.М.Горький, В.В.Маяковский, Д.Бедний<sup>33</sup> ва бошқалар сафарбар қилинган эди.

Даҳрийликка даъват қилувчи ҳар қандай диний эътиқодларга қарши курашга қаратилган большевикларнинг дастлабки матбуот органи 1921

<sup>31</sup> Қонун, дин, черков. Т.: Ўзбекистон, 1987. – Б. 49-50.

<sup>32</sup> Алексеев В. Илюзия и догмы. М.: Политиздат, 1991. – С. 275.

<sup>33</sup> Наука и религия. 1985. №12. – С. 19.



йилдаёқ “Революция и церковь” журнали, П.А.Красиков муҳаррирлиги остида жуда катта нусхада чоп этила бошланган эди<sup>34</sup>.

Ушбу журналда ҳар қандай диннинг халқ учун зарарли эканлиги, “инқилобий” вазифаларни адо этишда муҳим ғов бўлиши, диндорларнинг монархия ва эски жамият тарафдорлари эканликлари, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш, уларни кўпорувчилик, бузғунчилик ўчоғига айланишига йўл қўймаслик ва айрим руҳоний намоёндаларнинг шахсини таҳқирловчи мақола, хабарлар эълон қилиб турилди. Насроний, ислом, яҳудий динларини, айниқса, диний байрамлар арафасида “фош этувчи” минглаб нусхаларда варақа ва плакатлар чоп этилиб, барча ўлкаларга тарқатилди.

1922 йилда даҳрийлик сиёсатини тарғиб қилувчи иккита газета: “Атеист” (15 минг нусхада чиқарилган, муҳаррири А.И.Шпицберг бўлган), “Безбожник” (муҳаррири Е.М.Ярославский) чоп этилиб,<sup>35</sup> Совет Иттифоқининг барча шаҳар ва қишлоқларига кўп нусхада тарқатилар эди.

1922 йилнинг охирида диндор ва динга эътиқод қилувчиларни хўрлаш ва кўпол ўрта асрча ҳақоратлаш ташвиқотига қаратилган “Безбожник” (“Худосиз”) журналининг биринчи сони нашрдан чиқди<sup>36</sup>.

М.Костеловский муҳаррирлигида чоп этилган мазкур журнал муқовасида насронийлик эътиқодининг пайғамбари Исо Масихни масхараловчи сатирик тасвир бўлиб, дин ва диний эътиқодга ишонувчилар, руҳоний арбоблар “аблах” деб ҳақоратланган эди.

Ўтган аср 20 йиллари бошида вужудга келган ушбу матбуот органларининг нашрлари диний ташвиқот ва тарғибот олиб боришда иш усул ва шакллари ўзаро мувофиқлаштириб борди. Худосизлик ҳаракатини тиғи мусулмон ташкилотларига ҳам қарши қаратилган бўлиб, ишчи, деҳқон, қизил армия жангчиларига мурожаатлар қабул қилинди. “Безбожник” газетаси таъсири кучайиб, унинг турли ҳудудлардаги мухбирлари 1924 йилда

<sup>34</sup> Алексеев В. Иллюзии и догмы. М.: Политиздат, 1991. – С. 276.

<sup>35</sup> Ўша жойда. – Б. 276-279.

<sup>36</sup> Наука и религия. 1975. № 6. – С. 36.

“Общества друзей газеты Безбожник (ОДГБ)”, (“Безбожник газетаси жамияти дўстлари”) уюшмасини туздилар. 1925 йилда бу уюшма “Худосизлар уюшмаси” (“Союз безбожников”), 1929 йилда эса “Союз воинствующих безбожников” (“Курашчан худосизлар уюшмаси”) деб номланди<sup>37</sup>.

Худосизлар жамияти вужудга келиши билан динга қарши кураш ягона марказ қўлида тўпланди. Даҳрийлик сиёсати олиб боришнинг усул ва воситалари такомиллаштириб борилди, ушбу йўналишга катта миқдорда маблағ ажратилди. Айниқса, ноширчилик иши кенг йўлга қўйилиб, 1924-1927 йилларда черков ва масжидларни тугатиш ҳаракати кучайиб кетди. Хабарлардан бирида 1927 йилда ишчи-деҳқонлар хоҳиш иродаси билан 127 та черков ёпилган бўлса, 1928 йилда 592 та черков ва монастирлар ёпилди. Бу эса 1927 йилдагига нисбатан 4 марта кўп эди. Черков ва монастирларни ёпиш ҳаракати, диний байрамларга иштирок этмаслик, шахсий ҳаётдаги диний эътиқод маросимларини йўқотиш компанияларини ўтказиш расм бўла бошлади.

Ўзбекистонда 1927-1928 йилларда ўнлаб масжидлар ёпиб қўйилди. Динга эътиқод қилувчи кишилар мусулмончилик фарзини адо этиш учун бир неча километр узоқ масофада жойлашган масжидларга бориб келишга мажбур бўлдилар.

Ёпиб қўйилган масжидларга яқин масофаларда мусулмон муассасаси йўқлиги алоҳида таъкидланади. Диний муассасаларга муносабат, коммунистлар қурмоқчи бўлган жамиятдаги ўзгаришлар билан бирга ёнма-ён борди. 1920 йиллар бошидаги очарчилик натижасида вақф мулклари, масжид ва мадрасалардаги бойликлар мусодара қилинган бўлса, 1925 йилда бошланган саноатлаштириш сиёсатининг асосий душманларидан бири диний уламалар деб қаралди. Даҳрийлик тавсифидаги адабиётлар нашри йилдан-йилга кўпайиб бораверди.

---

<sup>37</sup> Наука и религия. 1985. № 12. – С. 19.

1924-1925 йилларда вақф мулклари ва уларнинг Ўзбекистон ССР вилоятларидаги ҳолати билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва вақфларга тегишли бўлган диний муассаса ва ташкилотларнинг анчагина салмоққа эга эканлиги ҳужжатларда қайд қилинган.

1923 йилдан 1928 йилга қадар РКП(б) ва Ўзбекистон Компартияси диний муассаса ва ташкилотларга муносабатида, динга ишонувчининг диний ҳисларини ҳақорат қилмасликка алоҳида эътибор бериши зарурлиги каби эҳтиёткорлик сиёсатидан, кескин кураш олиб бориш сиёсий йўлига ўтишлик учун узоқ вақт зарур бўлмади.

Ўзбекистон Компартиясининг III съезди Республика миқёсида дин ва диний муассасаларга қарши оммавий очиқ кураш ҳамда қатағон даврини бошлаб берди. 1927 йил хотин-қизларни озодликка чиқариш “Хужум” компанияси даврида диндорларни хурофот ва эскилик тарафдори сифатида таъқиб қилиш янада авж олдирилди.

1927 йил 13-15 июнда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг VI пленуми бўлиб ўтади. Унда ЎзКП Марказий Қўмитасининг масъул котиби Акмал Икромов “Рухонийлар ва мактаб ҳақида”<sup>38</sup> маъруза қилади. Пленумнинг ушбу йиғилишида Республикада диний муассасалар фаолиятини чеклаш, мусулмон мактаб ва мадрасаларини тугатиш тўғрисидаги бош йўналишни белгилаб берувчи қарор қабул қилди.

Ушбу қарордан келиб чиқиб, жойларда даҳрийлик курашини кучайтириш, аввало тарғибот-ташвиқотни кенг кўламда олиб борувчи муассасалар фаолиятига эътибор қаратиш зарурлигига аҳамият берилди бошланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Ижроия Қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими зиммасига бу борада кенг кўламда ишларни олиб боришлик учун катта вазифалар юклатилди. Ушбу бўлимнинг 1927 йил 20 ноябрда ўтказган йиғилиши №2 баённомаси қарорида қуйидаги талаб

---

<sup>38</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 1. 1987. – С. 304-305.

кўйилади: “Худосизлар иттифоқининг устав лойиҳаси кўриб чиқилсин ва тасдиқлансин. Бир ҳафта ичида Худосизлар иттифоқи уюшмасининг номи ўзбек тилида кенг халқ оммасига тушунарли тарзда номланиб, матбуотда эълон қилинсин. Ушбу вазифани бажарилиши ўртоқ Ботуга топширилсин”<sup>39</sup>.

1928 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Ижроия Қўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлимининг махсус қарори билан республикада динга қарши фаол курашувчан “Худосизлар” журналининг ўзбек тилидаги сонини чоп этириш давр талаби эканлиги қайд қилинди. Жумладан, қарорда “дастлабки босқичда “Худосизлар” журнали бир ойда бир марта, 3000 нусхада, 3-4 босма табоқ ҳажмда, араб имлосида чоп этилсин”,<sup>40</sup> – деб таъкидланди.

Журналда динга қарши тарғибот масаласининг сиёсий моҳияти, фан ва дин, тарих ва диннинг келиб чиқиш моҳияти, дин ва социалистик қурилиш, динни танқид қилувчи ва диний маиший ҳаётнинг “салбий” оқибатларига қаратилган бадиий асарлар, “Хужум” ҳаракатини ташвиқот қилувчи ҳамда “Худосизлар” уюшмасининг жойлардаги фаолияти билан боғлиқ бўлган мақолалар эълон қилиш дастури киритилган.

Марказда динга қарши чоп этилган газета ва журналлардан йирик мақолалар ҳамда хабарлар рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, республика матбуот органлари орқали халқ орасида тарқатиш ҳам йўлга кўйилди. Ушбу масалада ҳам маҳаллий ўлкаларга махсус кўрсатмалар келиб турган.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 22 сентябр куни бўлиб ўтган йиғилиши вақф мулкларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Ушбу қарорга асосан вақф мулкларининг тугатилиш ва уларни маҳаллий совет органларига берилиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон ССРнинг барча ўлкаларида шошилинч тадбирлардан бири сифатида қаралди. Ўзбекистон ССР Марказий

---

<sup>39</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 60

<sup>40</sup> Ўша жойда.

Ижроия Қўмитасининг 1928 йил 13-19 ноябрда бўлиб ўтган II чақириқ 4 сессиясида “Эски усул мактаблар ва қорихоналарни тугатиш ҳақида”<sup>41</sup>ги қарорининг қабул қилиниши эндиликда дин ва диндорларга нисбатан шафқатсиз кураш бошланганлигидан далолат берар эди.

Фарғона округ Ижроия Қўмитасининг 1928 йил 4 декабрда ўтказган йиғилиши<sup>42</sup> барча вилоят фаоллари иштирокида бўлиб ўтиб, унда асосан диний масала муҳокама қилинди. Йиғилишда вақф мулкларини бутунлай тугатиш, эски усул мактаблари фаолиятига умуман йўл қўймаслик, тортиб олинган диний муассаса биноларини дарҳол давлат тасарруфига ўтказиш каби масалалар кўрилди ва махсус комиссия тузилиб, уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

1928 йилдаги совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига қилинган ошқора тажовуз нафақат руҳоний ва диндорларни, балки бутун жамият аъзоларини эсанкиратиб қўйди.

Дахрийлик тарғиботининг амалга оширилиши 1920-1930 йилларда совет давлати иқтисодиётида ер-сув ислоҳотини ўтказиш, саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, “маданий инқилоб”ни амалга ошириш, хотин-қизларни озодликка чиқаришга қаратилган “Хужум” компанияси ва шиорлар остида янада кучайтирилди.

Ўзбекистон ССРда совет ҳокимиятининг эски усул мактабларини тугатиш, вақф мулкларини бекор қилиш диний муассасалар фаолиятини қайта тиклаш учун умуман йўл қўйиб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш масалаларига асосий эътиборини қаратиши кейинги воқеалар жараёнида ўзининг аянчли оқибатини намоён қилди.

Совет давлатининг ўша йиллардаги раҳбари И.Сталин 1928 йил 3 мартдаги нутқида “Қулоқларга қарши кураш, динга қарши ҳал қилувчи кураш палласи”<sup>43</sup> эканлигини баён қилгандан сўнг, дин ва диндорлар аёвсиз катағонлик қурбонига айланди. Юқорида қайд этилган қарорларнинг қабул

<sup>41</sup> Қизил Ўзбекистон. 1929. 11-январ. №9.

<sup>42</sup> Фарғона ВДА, 550-фонд, 1-рўйхат, 164-иш, 68-варак.

<sup>43</sup> Наука и религия. 1977. №10. – С. 16.

килиниши “Маҳкамаи шаръия” диния бошқармасининг фаолиятига ҳам чек кўйди. Совет ҳокимияти даҳрийлик сиёсатининг кескинлашуви шу даражага олиб келдики, ҳатто, диний ташкилотлар тузишга ва эски усул мактабларини очишга уринган шахсларга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 158 моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб кўйилди.<sup>44</sup> Совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан юқорида қабул қилинган қарорлари Ўзбекистонда ўзининг тез орадаги амалий асосларини намоён қила бошлади. Диний муассаса ва ташкилотларнинг моддий таянчи бўлган вақфлар даромади мусодара қилинди, собиқ вақф мулкларидан келадиган даромаднинг 90 фоизи совет типдаги мактаблар қурилишига, 10 фоизи эса Халқ Маориф комиссарлиги ҳисобига ўтказиб юборилди.

Туркистоннинг Россия империяси томонидан истило этилиши ва мустамлака тартиботини ўрнатилиши даврида империя маъмурлари томонидан миллий маориф (мактаб, мадрасалар, қорихоналар) фаолиятини қатъий назоратда ушлаб туришга доир сиёсат олиб борилганлиги ҳамда бу сиёсат Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам зўравонлик билан, қатъий ва кескин тарзда давом эттирилганлиги масаласига бағишланди.

1922 йилнинг 22 октябрида Туркистон АССР МИҚ “мактабларга диний билимларни ўқитиш ҳуқуқини бериш ҳақида” қарор қабул қилди. Бироқ бу қарор амалга ошмади. Бутуниттифоқ МИҚ Президиумининг йиғилишида Туркистон Республикасининг МИҚнинг совет мактабларига диний билимлар ўқитиш ҳуқуқини берувчи қарори бекор қилинди.

Туркистон Республикаси МИҚ совети 1922 йил 28 декабрда “Вақфлар тўғрисида” янги № 173-сонли декретни қабул қилди. Унга кўра Октябр тўнтарилишига қадар вақфларга тегишли бўлган вақф ерлари ва бошқа мулклар, масжидлар, хожихона, қорихона мазорлар, шунингдек, хайрия ва

---

<sup>44</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 62

маданий-марифий муассасалар (мадрасалар, мактаблар, етимхона ва бошқалар) тегишли муассасаларга фойдаланишга берилади.

Туркистон Республикаси Маориф халқ комиссарлигини МИҚнинг учинчи чақириқ II сессиясига берган ҳисоботида эски мактабларни советлаштириш масаласи икки босқичда амалга оширилгани қайд этилди. Биринчи босқич 1923 йилнинг сентябридан 1924 йил апрелигача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу даврда эски мактаблар дастурларига диний билимлар билан бир қаторда ягона меҳнат мактаби дастурига ўрнатилганлиги таъкидлаб ўтилган. Иккинчи босқичда эса, бу масканларда 1924 йил апрел ойидан бошлаб тўлалигича ягона меҳнат мактаби дастурига амал қилина бошланди, яъни 1924 йил апрелдан бошлаб бу муассасалар тўлалигича советлаштирилди ва диний фанлар буткул сиқиб чиқарилди.

Бош вақф бошқармасининг таъкидлашича Тошкент Эски шаҳар вақф бўлими тасарруфидаги барча ўқув муассасаларига совет мактаби дастури киритилган, қайта ташкил қилинган мактабларда диний фанларнинг ўқитилиши тақиқлаб қўйилган.

Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссари Рахим Иноғомов 1925 йил октябр ойида ўтказилган Марказий Ижроия Комитетининг ялпи мажлисида эски мактаблар фаолиятига кўйидагича салбий баҳо берган эди: “Эски усул мактаблари ҳақиқатда шўро ҳокимиятига қарши иш кўрадиган муассасалардир. Булар қишлоқ ёшлари орасида бизнинг тузилишимизга қарши бўлган ўзларининг уруғларини сочади” .

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил ноябрда бўлиб ўтган II съездида совет мактаблари сонини кўпайтириш, мактаб ёшидаги болаларни совет мактабларига жалб қилиш, маҳаллий миллат вакилларининг диний ва хусусий мактаблар очиш учун ҳаракат қилишларига йўл қўймаслик лозимлиги уқтирилди<sup>45</sup>.

1925 йилнинг декабр ойида Тошкент Эски шаҳар ижроия комитети “Эски усул мактаб, мадраса ва корихоналар ислоҳати тўғрисида”ги қарорида

---

<sup>45</sup> Ахмедов Б.А. Узбекистан халқлари тарихи манбалари. Тошкент, 1991. – Б. 23

Маориф халқ комиссарлигининг расмий руҳсатсиз мактаб, мадраса, корихоналарнинг фаолият олиб бориши тақиқлангани қайд этилди. Ҳудди шундай мактабларни очишни хоҳловчилар 1926 йилнинг 1 майига қадар халқ таълими бўлимига ариза беришлари кераклиги, 1925 йилнинг 1 январигача берилган барча руҳсатномалар бекор қилинди<sup>46</sup>. 1926 йил 1 январдан сўнг мазкур қарорни бузган шахслар Ўз ССР Жиноят Кодексининг 39- моддасига кўра 300 рублгача жарима ёки бир йилгача мажбурий меҳнатга жалб этилади, мактаб ва мадрасалар бинолари ёпилиб, уларни мулклари тортиб олиниб, вақф бўлимларига берилиши кўзда тутилган.

1926 йил 30 октябрда Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Маориф халқ комиссарлиги қошида “Эски усул мактабларини қайта ташкил этиш ҳақида” алоҳида комиссияси тузилишига келишиб олинди<sup>47</sup>. 1926 йилдан бошлаб эски мактаб ва корихоналарнинг фаолият юритишига оид ҳукуматнинг қатъий чоралари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1927 йил 14 июнда Самарқандда бўлиб ўтган VI Пленуми мусулмон руҳонийлари ва мактаблари ҳақидаги масалани муҳокама қилади. Пленумда Ўз КП МК нинг котиби А.Икромов “Рухонийлар ва мактаб тўғрисида” маъруза қилди. Маърузада “1919-1920-йилларда маҳаллий аҳолидан ҳеч ким ўз фарзандларини совет мактабларига бермаган”<sup>48</sup> лиги алоҳида эслатиб ўтилади. Пленум дин ва у билан боғлиқ муассасаларни “реакцион” дея баҳолаб, уларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш позициясини ёқлади.

1927 йил 22 августдаги Самарқандда Ўз ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳайъатининг йиғилишида “Ягона меҳнат мактабининг биринчи низоми лойиҳаси” тасдиқланди. Натижада, улар совет ҳукумати

---

<sup>46</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009. – Б. 15

<sup>47</sup> Жўреву Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи”. Тошкент. Шарк. 2011. 2-қисм. – Б. 56

<sup>48</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009. – Б. 27



томонидан аста-секин беркитилиб ва 20-йиллар охирига келиб, бу мактаблар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлади.

1927 йил 31 октябрда Ўз ССР МИҚ маҳаллий бюджетлар бўйича комиссиясининг округ ижроия комитетлари вакиллари иштирокида махсус йиғилиши бўлади. Мажлисида маҳаллий бюджет масаласи билан бир қаторда эски мактабларни тугатилиши масаласини ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистонда эски усул мактабларини тугатиш учун мактаб бюджетидан 260 000 рубл ажратилгани, энг кўп маблағ яъни 70 000 рубл Андижон округига ажратилгани қайд этилган.

1927 йил ноябр ойида Ўз ССР МИҚнинг III сессиясида “Эски усул мактабларини тугатиш тўғрисида”ги масала кўтарилди.

1928 йил 13-19 ноябрда Ўз ССР МИҚ советларининг иккинчи чақирик IV сессияси бўлиб ўтди. Мазкур сессия “Эски усул мактаб ва қорихоналарини тугатиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Қарорга Ўзбекистон ССР МИҚ раиси Ю.Охунбобоев ва Ўз ССР МИҚ котиби Иброҳимовлар имзо чекканлар. Қарорда бутун Ўзбекистон ССРда бўлган эски усул мактабларининг ёпилиши ва келгусида шундай мактабларни ташкил қилишга йўл бермаслиги кўзда тутилган. Эски усул мактаблари шу қарор эълон қилинганидан кейин 10 кун муддат ичида ёпилмаган тақдирда, шу типдаги мактаблар очилса, шундай мактабни ташкил қилувчи муаллимлар, домлалар ва ташкилотчилар жиноий жавобгарликка тортилди.

Ушбу қарорга кўра, эски мактаблар очган шахслар Ўз ССР Жиноят кодексининг 158-моддасига биноан 500 рублгача жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки бир йилгача мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан жазоланган. Қарор чиққан даврдан бошлаб, шу вақтнинг ўзида Ўзбекистонда 1200 та эски усул мактаблари тугатилган. Шундай қилиб, 1928 йилда Ўз ССР МИҚ сессиясининг қарорига асосан республикадаги эски мактаблар тугатилган.

Совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан республикада даҳрийликдан иборат мазкур чора-тадбирларидан сўнг,

кейинги ўн йиллар давомида тарихий обидалар ҳисобланмиш минглаб мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ бинолари қаровсиз қолиб кетди. Диний бошқарманинг тугатилиши ва мадрасалар фаолиятининг тўхтатилиши билан билимли диний уламоларни етказиб бериш, ислом шариатини тўғри йўлга қўйиш каби муҳим ишлар тўхтаб қолди.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ РУҲОНИЙЛАР ВА МУСУЛМОН МУАССАСАЛАРИГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ**

### **2.1. “Худосизлар” ташкилотининг диний муассасаларга нисбатан зўравонлик сиёсати**

Совет жамияти тарихида XX асрнинг 20 йиллари охири ва 30 йилларда диний муассаса ва ташкилотлар ҳамда дин пешволари, диндорларга нисбатан муносабат ўта реакцион, шафқатсиз тарзда бўлиб, атеистик ҳаракатнинг кенг миқёсда кучайиши билан таърифланади. Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси ўзининг ташвиқот ва тарғиботчилик ишини олиб борар экан, ишчи ва деҳқон оммаси ўртасида қишлоқларда муқаддас жойларнинг «сохталиги» ва “асоссизлиги”ни исботлашга уриниш, диндорларни буржуазия ва майда буржуазия тарафдорлари сифатида қоралаш, социализмга душманликда айблаш, муқаддас авлиёлар мазорларига бориб зиёрат қилиш, диний маросимларнинг зарарли эканлигини кенг тарғиб қилиш фикрлари матбуот органларида кўплаб чоп этилди.

1925-1947 йиллар давомида фаолият юритган Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси совет ҳокимиятининг тарғибот-ташвиқот органи ҳисобланиб, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига қарши даҳрийлик сиёсатининг бош ташкилотчиси бўлди.

1929 йил 10-11 июн кунлари Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ худосизлар уюшмасининг II съезди Марказ ва унинг Иттифоқдаги барча республика бўлимларини “курашчан худосизлар” деб номлашга қарор қилади<sup>49</sup>.

XX асрнинг 20 йиллари охири ва 30 йилларда Марказ даҳрийлик сиёсатининг асосий фикр тарқатувчиси бўлди. Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси XX асрнинг 20 йиллари охирида 14 та тилда, 18 та нашрларига эга бўлди. Уюшма хафталик газетаси “Безбожник” (“Худосиз”), шунингдек

---

<sup>49</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 63.

“Антирелегиозник”, “Безбожник”, “Деревенский безбожник” (“Қишлоқлик худосиз”), “Юный безбожник” (“Ёш худосизлар”) сингари марказий журналларни чоп эттирди. “Курашчан атеизм” журнали ҳам динни “фош этиш” матбуот марказларидан бирига айланди.<sup>50</sup>

Юқорида қайд этилган марказий журналлар билан бир қаторда бошқа миллатларнинг тилида ҳам газета ва журналлар чоп этилди, махсус бюллетенлар чиқарилди. Жумладан, украин тилида “Безверник” (“Динсиз”) бир хил номдаги газета ва журнал, татар тилида эса “Сгушчан алласизлар” (“Курашчан худосизлар”), яхудий тилида “Аникуйрес” (“Худосиз”), арман тилида “Анастваст” (“Худосиз”) каби журналлар ойда бир марта, йил давомида 12 та сони мунтазам нашрдан чиқиб турди.

Бу даврда совет армияси жангчи ва зобитлари орасида ҳам худосизликка даъват этувчи ташвиқот ва тарғибот ишлари юритилиб, 1929 йил қизил армия ҳарбий техникаларидан “Худосизлар самалёти”, 1931 йил июндан эса “Курашчан худосиз” танки, Балтика флотидида “Курашчан худосиз” сув ости кемаси, бундан ташқари “Украиналик худосиз”, “Грузиялик худосиз”, “Биробиджон худосизлари” номидаги самолётлар, “Ураллик худосиз” танк колоннаси мавжуд бўлиб, улар динга қарши кураш олиб бориш рамзларига айланган эди<sup>51</sup>.

XX аср 30 йилларида Марказнинг динга қарши олиб бораётган шафқатсиз сиёсати бу ҳаётий зарурият эканлигини исботлаш мақсадида, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, зиёлилар ва илмий жамоатчилик даҳрийлик тарғиботига кенг жалб қилинди. Ушбу ҳаракатда иштирок қилмаган кишилар зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш йўли билан обрў-эътибори ҳамда эгаллаб турган лавозимларидан маҳрум қилинди.

Маълумотларга қараганда Совет Иттифоқида «Худосизлар уюшмаси» аъзолари, мухбир, деҳқон ва ишчилар ҳамда уюшма фаолларининг сони 1920 йилда 100 минг кишини, 1929 йилда 700 минг кишини, 1932 йилга келиб эса

<sup>50</sup> Наука и религия. 1985, №12, – С. 20.

<sup>51</sup> Ўша журнал, 1975. № 6, С. 36., 1977, № 10, – С. 59.

5,5 млн. кишини ташкил қилган. Ташкилотга 2 миллиондан ортиқ ёшлар жалб қилинган. Юқоридаги рақамлар шуни кўрсатадики, партия органлари, айниқса ёшлар орасида динга қарши ташвиқот-тарғиботни кенг кўламда олиб боришган<sup>52</sup>.

“Худосизлар уюшмаси” аъзоларининг арифметик рақамлар билан ортиб бориши, бу соҳада оммавий тарзда иш олиб борилганлигидан далолат бериб турибди.

Таъкидланган йилларда “Атеист”, “Безбожник” газета ва журналлари нашриёти қошида 1700 номдаги, 40 млн. нусхада китоб ва рисоалар нашр қилинди. “Безбожник” газетасининг ойлик тиражи 1932 йилга келиб 500 минг нусхага, шу номдаги журнал тиражи эса 200 минг нусхага етди.<sup>53</sup> Ушбу нашрларнинг тиражи 1930 йилларнинг охирига қадар муттасил ортиб борди.

“Худосизлар” журнали Ўзбекистонда 1929 йил 1 февралдан бошлаб лотин имлосида ўзбек тилида чоп этилди.<sup>54</sup> Ушбу журнални нафақат шаҳар ва шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолиси орасида эмас, балки республиканинг энг чекка қишлоқларига ҳам тарқатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. “Худосизлар” журналига, партия, комсомол, касаба уюшма ходимлари, юқори мансабдаги шахсларни обуна бўлиши мажбурий қилиб қўйилган. Ушбу журнални кенг тарқалиши учун унинг нархи Республикадаги бошқа матбуот органларига нисбатан арзонлаштирилган эди.

Дахрийлик ташвиқоти ва тарғиботи мақсадида чоп этилган журнал ва газеталарнинг обуна нархлари омма орасида кенг тарқалиши мақсади кўзланиб жуда паст қилиб қўйилган.

Марказда динга қарши чоп этилган журнал ва газеталардаги муҳим мақолалар ҳамда хабарлар рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Республика матбуот органлари орқали халқ орасида тарқатилган. Ушбу масалада ҳам маҳаллий ўлкаларга махсус кўрсатмалар келиб турган.

---

<sup>52</sup> Ўша журнал, 1977, № 10, – С 16.

<sup>53</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 65.

<sup>54</sup> ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 642-иш, 89-варак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кўмитасининг 1929 йилдан бошлаб чоп этиладиган матбуот органларида ҳам дин ва диндорларга қарши тарғиботни кучайтириш масаласи алоҳида қайд қилинган. Жумладан, 1929 йилнинг 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон ССР ҳудудида ўзбек, тожик, уйғур, яҳудий тилларида 11 та газета ҳамда 7 та журнал лотин имлосида чоп этилиши йўлга қўйилди. Журналлардан “Коммунист”, “Муштум” (15 минг нусхада), “Янги қишлоқ” (4 минг нусха), “Маориф ва ўқитувчи” (4 минг нусха), “Худосизлар” (4 минг нусха) кабиларда динга қарши тарғиботни кучайтириш алоҳида таъкидланади.

Динга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини айнан диний байрамлар, Қурбон ва Рўза ҳайити кунларида авж олдириш, ушбу байрамларни оддий халқ учун зарарли эканлигини тушунтириш компанияси 1929 йилдан бошлаб мутассил уюштирилиб келинди.

“Худосизлар” журналида қишлоқ хўжалик жамоаларига бирлашган деҳқонлар ушбу маросимларда деярли иштирок қилмаётганлиги бир неча бор таъкидланади. Мақолалардан бирида, “Иттифоқимизда бўлган мусулмонлар 28 апрелдан 3 майгача Қурбон ҳайитини ўтказдилар. Ўзбекистондаги деҳқон хўжаликларини 56% коллективлашди, эскилик сарқитларидан бири диндир, Қурбон байрами ичида бир миллион мол-қўй сўйилар экан, бундан синфий душманлар нега манфаатдор бўлмасинлар”,<sup>55</sup> – деб ёзилган эди.

Диний байрамларда диндорларга ва руҳонийларга муносиб зарба бериш учун “худосиз” мухбир ва ташвиқотчилар етакчилик қилиши, омма орасида айни шу даврда ташвиқотчиликни жонлантириш ишлари журнални кўплаб сонларида бериб борилган. Бу масала мақолалар орқали бошқа матбуот органларида қайта-қайта баён қилинади.

Фарғона вилоятининг Андижон уездига қаршли Султонобод қишлоқ советидаги мактаблардан бирида 1938 йил Қурбон ҳайити ва Рўза ҳайити кунларида 65 ўқувчи мактабга келмаган. Бу ҳолат бошқа мактабларда ҳам қайд қилинган. Ўзбекистон Компартиясининг динга қарши кураш билан

---

<sup>55</sup> Худосизлар. 1931 апрел. №4. – Б. 5.

боғлиқ директивалари туман партия комитетлари томонидан тўла бажарилмаётганлиги архив хужжатларида қайд қилинади<sup>56</sup>.

Мазкур вилоятнинг Боғдод туманида, динга қарши кураш олиб борувчи вакиллар олдига Қурбон ва Рўза ҳайити кунларида деҳқонларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш, намоз маросимида иштирок этишига имкон бермаслик вазифаси қўйилган. Диний байрам кунлари атайин спорт мусобақалари уюштирилиб аҳолини чалғитиш чоралари кўрилган.

“Худосизлар” журналида ҳатто намунали “худосиз” ташвиқотчиси учун махсус рукн ташкил қилинган бўлиб, унда айрим даҳрий ходимларнинг иш тажрибасидан кўргазмалар, уларнинг таржимаи ҳоли баёни, расмлари бериб борилган.

Атеистик ташвиқот ва тарғиботда исломнинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий моҳияти, фарзлари, исломий урф-одатлар ва байрамлар марксизм-ленинизм назариясига қарама-қарши қўйилган ҳолда амалга оширила бошланди. Жойларда динга қарши клублар ташкил қилиниб, уларга партия ва комсомол фаоллари, партиясиз ишчилар, “Худосизлар” ташкилоти аъзолари жалб қилинди. Айниқса, “Қизил чойхона” ва “Қизил бурчак” клубларининг оммавий равишда “худосиз”ликни тарғибот қилувчи марказларга айлантириш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу муассасаларда динга қарши китоблар кўргазмаси, мулла ва диндорларни танқид қилувчи ҳамда “манфур башараси”ни очиб ташловчи газета мақолалари муҳокамаси, динга қарши махсус кеча ва кичик театр томошалар, ҳикоялар ўқиш каби усул ва воситалар қўлланилган. Шунинг учун ҳам “Қизил чойхона” ва клубларнинг сони, ячейкалари йилдан-йилга ошиб борган.

“Курашчан худосизлар” уюшмаси ва “Қизил чойхона” деб аталган махсус кўрсатмада:

1. “Курашчан худосизлар” уюшмаси аъзоларининг “Қизил чойхона”да мунтазам навбатчилик қилиш ва доимий маслаҳат бўлимини ташкил этиш;

---

<sup>56</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 67.

2. Динга қарши суҳбат ва овоз чиқариб ўқувларини уюштириш;

3. “Худосизлар” журнали мақолаларини ўқиш, тарғиб қилиш, атеизмга оид диаграмма, расмлар кўргазмаси ва турли тарғибот намуналарини ташкил этиш;

4. Кинолавҳа, радиоэшиттириш, турли-туман тадбир ва кечаларда диндорлар “башара”сини очиб ташлаш, кабилар уқтирилган.

1924 йилдан 1929 йилга қадар Ўзбекистон ССРда “Қизил чойхона” ва бошқа ташвиқот марказлари сони ҳамда уларда “худосизлик”ка даъват қилиш салмоғи мутассил ортиб борган.

Жадвалга эътибор берилса, беш йил давомида тарғибот-ташвиқот муассасалари сони, айниқса, 1927-1928 йилларга келиб кескин ортган. Бунга сабаб, ушбу йилларга келиб, даҳрийлик курашининг кучайтирилиши, масжид, мадраса биноларини давлат тасарруфига ўтказилиши ва уларнинг ўрнида жадвалда қайд этилган муассасаларнинг ташкил этилишидир.

Худосизлар уюшмаси Компартия кўрсатмалари асосида клуб, кутубхона ҳамда “Қизил чойхона”ларда ишчи ва колхозчилар ўртасида “худосизлик”ни тарғиб қилишга қаратилган катта дастур ишлаб чиққан. “Динга қарши тарғибот тўғрисида” деб номланган ушбу дастурда 35 пунктдан иборат ташкилий йўналишдаги вазифалар қайд қилинган<sup>57</sup>.

1933 йил Ўзбекистон ССР ҳудудида 5 та дам олиш ва маданий истироҳат боғлари, 10 та маориф ходимлари уйи ва аёллар маданият саройлари, 6 та маслаҳат пунктлари, 8 та ишчи-маориф уйлари фаолият олиб борган<sup>58</sup>. Ушбу совет муассасалари ҳам динга қарши тарғиботчиликнинг маънавий асосларини ташкил этган.

1929 йилнинг бошида Республикада 187 та (жумладан, қишлоқларда 74 та) кутубхоналар мавжуд бўлиб, буларнинг умумий китоб фонди 44 минг нусхага етганилиги маълум қилинади<sup>59</sup>.

---

<sup>57</sup> Ўша жойда.

<sup>58</sup> ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1219-иш, 24-варак.

<sup>59</sup> Атеистик суҳбатлар. Масъул муҳаррир проф. И.Жабборов Т. 1990. – Б. 14.



1934 йилга келиб Республикада клублар сони 362 тага, “Қизил чойхона”лар эса 2500 та, аёллар клублари 56 та, дам олиш маданият ва истироҳат боғлари 12 тага етган<sup>60</sup>.

Оммавий маданий муассасаларнинг 1933-1934 йиллардаги бутун Республика миқёсида шаҳар ва қишлоқлардаги тақсимотига алоҳида эътибор қаратилган.

Клуб, “Қизил чойхона”лар кутубхоналарда даҳрийлик тарғиботини олиб боришлик учун Ўзбекистон ССРдаги “Курашчан худосизлар” уюшмаси раҳбарияти олдига (Х.Худойназаров) махсус лекторлар гуруҳини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Ишчи ва деҳқонлар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боровчи даҳрийлар махсус адабиётлар билан таъминланиши, уч ва олти ойлик курслардан ўтган бўлиши, ҳеч бўлмаганда сиртдан атеистлар институтининг ўқув курсларини тамомлаган бўлиши шарт қилиб қўйилган эди. “Лекторлар бюроси” ташкил қилиниб, давлат бюджетидан иш ҳақи тўлаш белгиланган.

“Курашчан худосизлар” уюшмаси марказий бошқармаси ҳамда вилоят, шаҳар бошланғич ташкилотлари учун Ўзбекистон ССР Молия Халқ комиссарлиги 1937 йилда ажратган харажатлари 80 минг сўмни ташкил қилиб, қолган харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қондирилган. Ушбу ташкилотларни сақлаб туриш учун 712.600 сўм миқдорда маблағ сарфланган, 1938 йилда бу харажатлар бир оз камайтирилиб, 438.738 сўмни ташкил этган<sup>61</sup>.

1920 йилларнинг иккинчи ярмида динга қарши кураш олиб бориш мақсадида “Худосизлар” уюшмасининг ўнлаб ячейкалари ташкил қилинди. 1924 йилдаёқ Тўрткўлда (Қорақалпоғистон) “Худосизлар” уюшмасининг дастлабки ячейкаси ташкил топган эди. 1929 йилга келиб 4 та ячейка, 1938 йил эса Қорақалпоғистон ҳудудида уларнинг сони 115 тага етди. Биргина,

---

<sup>60</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 69.

<sup>61</sup> Ўша асар.

Тўрткўл туманининг ўзида 144 та атеист фаоллар динга қарши тарғибот ишларини олиб боришган<sup>62</sup>.

1928 йилнинг 1 июлига қадар “Худосизлар” уюшмаси 50 та ташкилотда ўзининг ячейкаларига эга бўлган. Бутуниттифоқ “Худосизлар” уюшмасининг II съездида (1929 йил, июнь) ташкилот аъзоларининг сони 600 минг киши атрофида эканлиги қайд қилинади<sup>63</sup>.

Даврий матбуотда берилган маълумотларда 1937 йилга келиб, бу рақам 3 баробар ўсганлиги, Бутуниттифоқ “Худосизлар” уюшмаси аъзоларининг сони 1940 йилга келиб эса 3 миллион кишига етганлиги, жумладан, уларнинг 60% ишчи ва деҳқонлар, 25% аёллар салмоғига тўғри келганлиги таъкидланади<sup>64</sup>.

Ўзбекистон ССРда динга қарши тарғибот олиб боровчиларнинг 1940 йилнинг январ ойида бўлиб ўтган кенгашида, 1939 йилда даҳрийлик мавзуларига оид 5000 та маъруза ва докладлар, 3000 та ўқув ва мунозара кечалари ўтказилганлиги, бу тадбирларда эса 300 минг киши иштирок этганлиги Республика “Худосизлар” уюшмасининг 3300 та маҳаллий ташкилотларида 112 минг фаоллар иш олиб бораётганлиги таъкидланади<sup>65</sup>.

“Худосизлар” уюшмасининг фаолиятидаги айрим камчиликлар Самарқанд ва Бухоро вилоятлари мисолида таҳлил қилиниб, баъзи ҳолларда диндорларга нисбатан “раҳмдиллик” қилинаётганлиги баён қилинади. Динга қарши “Худосизлар” уюшмаси аъзолари томонидан ташкил қилинаётган маърузаларнинг мавзулари Марказдан муттасил тавсия қилиб борилган. Жойларда “Дин – беш йиллик режаларнинг тўсиғи”, “Октябр ва дин”, “Ҳосил куни ва жамоалаштириш орқали динга қарши кураш”, “Социалистик мусобақа ва дин билан кураш”, “Дин – халқ учун афюндир”, “Марксча-ленинча таълимот дин ҳақида”, “Қурбон ҳайити – реакцион диндорларнинг

<sup>62</sup> Наука и религия, 1975, №6, – С. 55.

<sup>63</sup> Правда, 1929, 12 июн, № 132. (4266).

<sup>64</sup> Наука и религия, 1975, № 6, – С. 36.

<sup>65</sup> Правда востока, 1940, 15январ, №12, (5175)

куроли”, “Диндорлар хориж разведкаси хизматида”, “Сталинча конституция ва дин”<sup>66</sup> каби ўнлаб маърузалар ўқиб турилган.

Динга қарши ишчилар университети, динга қарши махсус музей, динга қарши радио эшиттирувчилар тайёрлаш факультети (радиоуниверситет), динга қарши ўқувчилар махсус курси, “Худосиз аёллар” курси каби муассасалардан “худосиз”ликни тарғиб қилувчи шахсларни етиштириш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилган.

Республиканинг кўпгина районларида матбуот, радио, театр, клуб, музей, кўргазма, маъруза, суҳбат, савол-жавоб кечалари каби воситалар билан биргаликда даҳрийликни тарғиб қилувчи “энг яхши шеър”, “динга қарши очерк”, “динга қарши карикатура” каби танловлар ҳам уюштирилган.<sup>67</sup>

“Худосизлар” уюшмаси томонидан ўтказилган тадбирларда “Тезда динни тугатамиз!” шиори остида иш кўрилган. XX аср 30 йилларининг охирларида гарчи ҳаёлпарастлик бўлсада диндорларни “жамиятдан супуриб ташлаш” учун совет ҳукумати барча имкониятларини ишга солди. Моддий харажатлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бу йўналишдаги маданий-оқартув муассасалари фаолият олиб бораётган ходимларга катта миқдорда маблағ ажратилди. Мақсад халқнинг онгидан ва қалбидан диний тушунчаларни чиқариб ташлаш, диний маросимларга бутунлай чек қўйиш, даҳрийлик сиёсатини қарор топтиришдан иборат эди.

1937-1939 йилларда “Худосизлар” уюшмаси сарф-харажатлари билан боғлиқ бўлган рақамлар шуни кўрсатадики, бу ҳол иқтисодий кудратини тиклаб олишга улгурмаган Ўзбекистон ССР иқтисодиёти учун оғир-оқибатларга олиб келган<sup>68</sup>.

Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссариати зиммасига “Худосизлар” уюшмаси Республика вилоят, туман бўлимларида фаолият кўрсатадиган, яъни штат асосида ишлайдиган ходимларни республика бюджети ва

<sup>66</sup> Антирелигиозник, 1929, № 10, октябр.С. 102-103.; ЎзРПДАФВБ, 1-фонд, 3-рўйхат, 307-иш, 143-варақ.

<sup>67</sup> Ярославский Ем. О религий. Москва, 1957, – С.330-333.

<sup>68</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 70.

маҳаллий бюджет ҳисобидан маош билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Уларга тўланадиган ойлик маошларининг миқдори олдиндан белгилаб қўйилган<sup>69</sup>.

Республика ҳукуматининг мазкур чора-тадбирлари оқибатида ўн йиллар давомида (1929-1940 йй) тарихий обидалар, диний муассаса ва ташкилотлар қаровсиз қолиб кетди. Масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мазорлар, хонақоҳ ва муқаддас қадамжолар вайронага айланди. Баъзи масжид ва мадраса бинолари отхоналарга айлантирилди, хатто баъзилари вино-ароқ, пиво ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилиб, таҳқирланди.

Ўтмиш тарихимизда минглаб диний уламо ва фозил шахсларни етиштирган ва Шарқ дунёсига танитган, ярим вайрона ҳолатига келиб қолган Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси таъмирланиб, Ўзбекистон ССР атеистлар марказий музейига айлантирилди.

Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев имзоси остида 1934 йил июн ойида №586-рақамли қарор қабул қилинади. Ушбу қарорга мувофиқ Тошкентда “Атеистлар музейи” ташкил қилинади. Унга ажратилган бинони таъмирлаш учун эса давлат бюджетидан 17 минг сўм маблағ ўтказилиши таъкидланади.

Республика вилоят ва туманларидаги минглаб диний муассаса бинолари атеистлар уйи, қизил чойхона, колхоз клуби, киночилар саройи, кутубхона, колхозчилар уйи каби совет муассасалари ихтиёрига мажбурий ўтказиб юборилди. Архив ҳужжатларининг маълумот беришича 1939 йилга келиб Бухорода ҳаммаси бўлиб 6 та масжид номигагина фаолият олиб бораётган эди.

Андижон шаҳрида 1938-1939 йилларда 71 та масжид, 1 та рус черкови, 3 та яҳудий синагоги бўлиб, уларда диний маросимларни бажаришга турли

---

<sup>69</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 71.

йўллар билан тўсқинлик қилинган.<sup>70</sup> Ўзининг диний кадриятлари ва ислом муассасаларини сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг ҳашар йўли билан маблағ тўплаш ишлари ҳам ҳукумат органлари томонидан уламолар тарғиботи деб тушинилган. Бу эса диндорларни таъқиб қилиш учун ўйлаб топилган навбатдаги баҳоналардан бири бўлганди.

1940 йил мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг IX съезди ҳисоботида оммавий тарғибот ва ташвиқот муассасалари фаолиятига тўхталиб, 1937-1939 йиллар давомида уларнинг сонини ўсиб бориши ҳақида маълумотлар келтирилади.<sup>71</sup>

Даҳрийликни бутун жамият аъзолари онгига сингдириш мақсадида адабиётларда, матбуот органларида акс этилишига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1939-1940 йиллар давомида ўзбек тилида 470 минг нусхада 30 хил номдаги динга қарши қаратилган адабиётлар нашр этилган бўлса, 1940-йилнинг биринчи ярмида республика газеталари саҳифаларида нашр этилган 170 та мақола диний мавзунини танқид қилишга қаратилган<sup>72</sup>.

Республиканинг Фарғона вилоятида динга қарши тарғиботни кенг миқёсда тарғибот қилишлик учун 1940 йилда 79166 сўмлик динга қарши кураш мазмунидаги адабиётлар, қўлланмалар харид қилинган<sup>73</sup>.

1940 йилда биргина Фарғона вилояти ҳудудида “Курашчан худосизлар” ячейкаларининг сони 2243 тага етган, аъзолари сони эса 45824 нафарни ташкил этган. Шунингдек, ўлкада 272 та агитатор, 210 лекторлар шаҳар ва қишлоқларда динга қарши тарғибот ишларини олиб боришган<sup>74</sup>.

Совет Иттифоқи Иккинчи жаҳон урушига киргунга қадар “Курашчан худосизлар” уюшмаси диний муассаса ва диндорларга нисбатан даҳрийликка асосланган сиёсатини бўшаштирмаган. Узлуксиз равишда республика ва вилоят партия қўмиталарининг тарғибот-ташвиқот бўлимлари “Курашчан

---

<sup>70</sup> Ўша асар.

<sup>71</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 72.

<sup>72</sup> Саидбаев Т. Ислам и общества. М., 1978. – С. 166.

<sup>73</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 74.

<sup>74</sup> Ўша асар.

худосизлар” уюшмасининг йил давомида қилган ташкилий ишларига раҳнамолик қилган, йил давомида қилинган ишлар ҳисоботи, ташкилотнинг фаолиятидаги камчиликлар муҳокама қилиниб, янги кўрсатмалар бериб борилган.

XX асрнинг 30-40 йилларида мадрасалар фаолиятига чек қўйилган бўлса-да, совет ҳокимияти муассасалари зўравонлик сиёсати, динга эътиқод қилувчи аҳолининг диний амалларини бажаришига, масжидга бориб намоз ўқишига бутунлай тўсиқ қўя олмади.

Совет ҳокимияти томонидан дин пешволарига қарши курашнинг кучайтирилиши, масжидларнинг мажбурий ёпиб қўйилиши диний уламоларга берилган катта зарба бўлди. Фарғона вилоят “Курашчан худосизлар” уюшмасининг 1940 йилда Ўзбекистон Компартияси Тарғибот-ташвиқот бўлимига юборган ҳисоботида ўлкада диний муассаса ва диний уламоларнинг аҳволи ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган:<sup>75</sup>

1-жадвал

1940 йилда Ўзбекистон ССРдаги диний муассасалар сони

№	Диний муассасалар ва мусулмон дин пешволари	Фаолияти тўхтатилган	Очиқ фаолият юритмоқда	Яширин фаолият юритмоқда.
1.	Масжидлар	2965	-	377
2.	Мозорлар	295	214	-
3.	Муқаддас жойлар	-	-	92
4.	Имомлар	-	528	1105
5.	Сўфилар	-	127	207
6.	Қорилар	-	34	24
7.	Дуохонлар	-	72	106
8.	Эшонлар	-	24	3
9.	Мутаваллилар	-	3	13
10.	Бахшилар	-	27	77
11.	Мударрислар	-	-	33
12.	Шайхлар	-	60	7
13.	Қозилар	-	30	-
14.	Аъламлар	-	15	-
15.	Жадидлар	-	19	-

<sup>75</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 75.

Жадвалда қайд этилган диний муассасалар аҳволига эътибор берар эканмиз, “худосизлик”ни даъват этувчи оммавий тарғибот-ташвиқот ишларининг совет ҳокимияти томонидан қанчалик зўравонлик йўллари қўлланилмасин, аҳолининг динга бўлган эътиқодини буткул сўндира олмади. Кўплаб диний муассасалар совет типигаги мактабларга, клуб, омборхона ва ошхоналарга айлантирилган бўлса-да, баъзи бўш ётган биноларда диний амалларини норасмий давом эттираверганлар. Мазкур жадвалнинг яна бир эътиборли томони шундаки, унда жаидлар ҳам халқ орасида нуфузга эга бўлган дин пешволари рўйхатига киритилган.

1940 йил сентябрида бўлиб ўтган Фарғона вилоят партия қўмитаси йиғилишида барча шаҳар ва қишлоқ советлари кенгаши раислари ўз худудларидаги диний муассасаларни қатъий назорат қилиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, яроқсиз қолган масжид биноларини бузиб юбориш ва ундан чиққан қурилиш ашёларини “Қурилишсавдофонд” ташкилотига бошқа мақсадларда ишлатиш учун берилиши таъкидланди<sup>76</sup>.

1929-1941 йиллар давомида “Курашчан худосизлар” уюшмаси совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига бутунлай барҳам бериш ишида қилган раҳнамолиги жамиятда ўзининг асоратли изини қолдирди.

Хуллас, 1929-1941 йилларда “Худосизлар” уюшмасининг шафқатсиз даҳрийлик сиёсати оқибатида Иттифоқ худудидаги барча диний муассасалар фаолияти ўзини ўнглай олмас даражада аянчли аҳволга тушиб қолди.

---

<sup>76</sup>А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 77.

## 2.2. “Хужум” ҳаракати диний уламоларга қаратилган қатағонликнинг дастлабки босқичи

Хотин қизларни “Озодликка чиқариш” баҳонасида 1927 йилда республикада “Хужум” ҳаракати бошланди. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш бобида маълум маънода бу ҳаракат ижобий баҳолансада, уни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад реакцион эди. Аввало, бу ҳаракат маҳаллий халқларнинг асрлар оша тарихан шаклланган миллий анъана ва кадриятларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилди, хотин-қизларнинг аёллик кадр-қимматлари оёқ ости қилинди. Кўп ҳолларда паранжи чачвонни ташлаш зўрлик билан амалга оширилди. Иккинчидан “хотин-қизлар озодлиги” учун кураш баҳонасида ислом динига қарши кураш авж олдирилди. Чунки “хотин-қизлар озодлиги”нинг асосий душманлари қилиб ислом руҳонийлари кўрсатилди.

Шўро ҳукумати ва Компартия “Хужум” компаниясини ўтказишдан кўйидаги мақсадларни кўзлаган эди: Биринчидан, ўзбек халқининг тарихан таркиб топган миллий ахлоқий шарқона анъана ва кадриятларини ғорат қилиш ва маънавиятимизга зарба бериш: Иккинчидан, “хотин-қизларни озод қилиш”, баҳонасида саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда арзон гаровда ишлайдиган қўшимча ишчи кучлари сифатида улардан фойдаланиш, амалда уларни шўро қулларига айлантириш эди.

Улуғ адиб Чингиз Айтматов “Хужум” компанияси ҳақида сўзлаб бундай деган эди: “Афсуски, давлат томонидан ўтказилган “Хужум” кампанияси ўша даврнинг оғир ҳатоларидан бири эди дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қарши қаратилган жиноят эди. Устига-устак, илоҳий оламнинг қурилмасига қарши йўналтирилган жиноят эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртадлар Худонинг вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва “янги одам яратамиз” деб, даҳшатли ўйин бошлайдилар”<sup>77</sup>.

---

<sup>77</sup> Чингиз Айтматов. Қояда қолган кўз ёшлар. «Жаҳон адабиёти» Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, 1997 йил, 2-сон, – Б. 111.



“Хужум” ҳаракати 1927 йил 8 мартдан бошлашга қарор қилинган бўлсада, бу жараёнга тайёргарлик ишлари анча олдиндан бошланган эди.

Хотин-қизлар масаласи инсоният тарихида ҳамisha ўзига хос мураккаб муаммо бўлиб келган. Миллионлаб туркистон аёллари қисматини ўз ичига олган бу ижтимоий-сиёсий масалаларни 20 йилларнинг 2 ярмида большевиклар ўз андозалари асосида кескин ҳал қилдилар. Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти қадимдан мусулмончилик қонуниятлари ва анъаналари асосида қурилган бўлиб совет даврида ана шу диний қадриятлар ва анъаналар “хурофат” сифатида қораланиб келинди. Анъаналаримиздаги, қадриятларимиздаги аёлларга бўлган ҳурмат ва эъзоз сифатлари мутлақо унутилди ва совет ҳукуматида аёлларни бутунлай янги авлодини уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас балки, кўпроқ жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этадиган шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўрта Осиё республикалари компартиялари МКларининг 1927 йили 31 январда чиқарган мурожаат хати катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур мурожаатда хотин-қизларни совет давлатини бошқариш ва халқ-хўжалигини юксалтириш ишида меҳнаткаш эркаклар билан бир сафда туриши учун кураш партиянинг асосий вазифаларидандир деб таъкидланди. Лекин руҳонийлар бутун кучларини ишга солиб партиянинг хотин-қизларни озод қилишга қаратилган сиёсатига қаршилик кўрсатдилар. Муллаларни ижозат бермасликка чақирдилар, хотин-қизларнинг съездларига боришга қарши ташвиқотлар олиб бордилар, делегат аёлларни калтакладилар, зўравонлик қилиб ўлдирдилар.

Ўша йиллари Ўзбекистон ССР Марказий Комитети раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган Жаҳон Обидова хотин-қизларни озод қилиш ишида катта рол ўйнади. Ана шу даврда хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини ташвиқот қилишда клубларда ташкил этилган оилавий тўғарақлар ташкил қилинди. Бу тўғарақларда аёллар ўз эрлари билан ва болалари билан қатнашар, унинг устига эркаклар ўз хотинларини очиқ олиб

келишга мажбур эдилар. Бундан ташқари қалин пули беришни тугатиш хотин-қизларни озод қилишда энг муҳим вазифалардан бири эди. Совет конунчилиги хотин-қизларни олди-сотди объектига айлантириб қўйган бу ғоят зарарли патриархал феодал тузум сарқитига қарши қатъий кураш олиб борди.

Совет ҳукуматининг ўзбек хотин-қизларини озадликка чиқаришдан энг асосий мақсади юқорида таъкидлаганимиздек уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш эди. Дастлаб хотин-қизлар ҳунармандчилик кооперацияларига жалб қилинди. Хотин-қизлар клубларида ичкийим, кўрпа-тўшак, дўппи тўқийдиган ишхоналар очилди. Кейинчалик ҳунармандчилик кооперацияси таркибида махсус аёллар артеллари ташкил қилинди. 1926 йилда республикада 16 та йирик аёллар артеллари мавжуд бўлиб, уларда 814 нафар маҳаллий миллат вакиллари меҳнат қилар эди. Қишлоқ жойларда ҳам кўплаб аёллар артеллари очилди. Марғилон туманида аёллар пиллакашлик артели, Сурхандарё округининг Кашмон қишлоғида гилам тўқувчи аёллар артели мавжуд эди. 1930 йилда республика ҳунармандчилик кооперациясининг 50 дан ортиқ артелларида 5000 нафардан кўпроқ аёллар ишларди. Бундан ташқари 2000 га яқин аёллар артеллар билан шартномалар тузиб уйда ишлардилар. Кейинчалик хотин-қизлар йирик саноат корхоналарига ҳам жалб қилина бошланди ва кўп ҳолларда атрофлича пухта ўйлаб кўрилмай компаниячилик йўли билан аёлларни оғир ишларга, уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган вазифаларга қўйдилар. Бунда аёлларнинг физиологик ўзига хос томонлари ҳисобга олинмади.

30 йиллар бошидан бошлаб аёллар меҳнатига муносабат тубдан ўзгарди саноатлаштиришни жадаллаштириш, социалистик муваффақиятлар ортидан қувиш аёллар масаласида ҳам ўз асоратини қолдирди. Аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли деган қоида нотўғри талқин қилиниб хотин-қизлар меҳнатда ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши керак деб талаб қилинди. 1931 йилда “Тошсельмаш” заводида 345 аёл, Тошкент темир йўлларининг

“Биринчи май” устахонасида 80 нафар аёл ишлаган. 1940 йилга келиб республика саноатидаги ишчиларнинг 41% ни хотин-қизлар ташкил этди.

Хотин-қизларни озодликка чиқариш каби мураккаб иш 1919 йил 12 ноябрда РКП(б)нинг Туркистон ўлка кўмитасида хотин-қизлар бўлимининг ташкил этилиши билан бошланган эди. Кейинчалик, 1921 йилда у Туркистон Марказий Кўмитаси хотин-қизлар бўлимига айлантирилди. Айти пайтда жойларда хотин-қизлар бўлимларини ташкил этиш ишига ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. 1919 йил ноябрда Тошкент, 1919 йил 19 декабр Самарқанд, 1919 йил февралда Фарғонада, 1920 йил март Сирдарёда сўнгра Андижон, Каттакўрғон, Когон ва бошқа жойларда ҳам худди шундай бўлинмалар очилди бошланди. Умуман 1920 йилга келиб бу ерда 40 га яқин хотин-қизлар бўлинмалари фаолият кўрсатди<sup>78</sup>.

Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлигига амалда эришиш, улар ижтимоий фаоллигини ошириш масаласида яна қатор камчиликлар, хатоларга йўл кўйилди. Бундай хатоларнинг энг асосийси эса Ўзбекистондаги анъанавий урф-одатлар, ўзбеклар руҳий-психологик ҳолатини ўрганилмаганлигидадир. Ўлкада хотин-қизлар масаласини ҳал этишда эркаклар психологиясини ўзгартириш муҳим аҳамият касб этиши мумкинлиги эътиборга олинмади. Натижада асрлар давомида имтиёзли ўринга эга бўлган эркак ўзгарган вазиятни тасаввур этолмади. Хотин-қизлар масаласини ҳал этишда яна бир муҳим омил дин масаласи четда қолди. Тўғри, қабул қилинган қарор, кўрсатмаларда дин билан ҳисоблашиш лозимлиги таъкидланди. Аммо реал ҳаётда эса диний расм-русмлар эса инкор этила бошлади. Унинг эътиборга олинмаслиги эса хотин-қизлар масаласини ҳал этиш чоғида уларни қатағон қилиш жараёни билан қўшилиб кетди.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярми хотин-қизлар озодлиги йўлида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Москванинг 1927 йил февралдаги кўрсатмасига биноан бу даврда “ески тузум”га қарши жиддий хужум

---

<sup>78</sup> Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар тажриба ва оқибатлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1998. – Б. 30.

бошланди. Бу нарса диндорлар, анъанавий ҳаёт тарафдорлари билан хотин-қизлар ҳаракати тарафдорлари ўртасида кучли курашнинг бошланганлигидан далолат берарди. Бундай шароитда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларни ижтимоий турмушни янгилаш мақсадида аёлларни суд, тергов органларига кенгроқ жалб этиш, улардан халқ маслаҳатчилари таркибини ташкил қилишга катта эътибор берилди бошлади. Агар 1926-27 йилларда Ўзбекистон бўйича 5642 хотин-қизлар халқ маслаҳатчилари бўлган бўлса, 1928 йилда улар сони 10450 тага етди.

1928 йилги маълумотга биноан Фарғона округида 1680 хотин-қиз маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатди. Бироқ шу нарсага эътибор бериш лозимлиги, юқорида зикр этилган рақамалардан бор йўғи биттасигина олий маълумотли эди, холос.

Хотин-қизлар маданий-оқартув муассасаларининг муҳим шаклларида бири қизил чойхоналар эди. Бундай чойхоналарга хотин-қизлар таклиф этилар ва улар орасида сиёсий-мафкуравий тадбирлар ўтказиш устувор тавсияга эга эди. Ўзбекистонда биринчи қизил чойхона Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан 1920 йиллар бошида Шоҳимардонда очилди. Чойхонада хотин-қизларнинг озодлиги, динга қарши кураш масалалари бўйича суҳбатлар уйшуйтирилди. Бироқ хотин-қизлар маданий-оқартув муассасалари дастлабки пайтлардаёқ коммунистик мафкура ғояларини амалага оширишнинг таянч нуқталарига айлана борди. Масалан, таълим комиссарлигининг инструктори томонидан унинг Тошкент вилояти бўйича сафари ҳисоботида ёзилишича, хотин-қизлар маданий-оқартув муассасаларида фақатгина маданий тадбирлар ўтказишни истайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, советларнинг хотин-қизларни озодлика чиқаришга қаратилган “хужум” компанияси биринчи ўринда ислом дини уламоларига қарши қаратилган ҳаракат еди.

## **III БОБ. МУСУЛМОН УЛАМОЛАРИНИНГ ОММАВИЙ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ**

### **3.1 Вақф мулкларининг диний уламолардан тортиб олиниши ва ҳукуматнинг ислом муассасаларига қарши қатағонликнинг кучайтирилиши**

Мусулмон муассаса ва ташкилотларининг иқтисодий таъминоти асосан вақф мулклари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун советларнинг вақф мулкларига нисбатан бўлган сиёсатига алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак.

Бизга тарихдан маълумки, вақф мулклари мулкдорлар томонидан ўқув муассасалари, диний ёки хайрия маҳкамаларига маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадлар йўлида даромадидан фойдаланиш учун, аммо сотмаслик шарти билан хайр-эҳсон қилинган мулк бўлиб, бу мулклар даҳлсиз ҳисобланган.

Октябр тўнтарилишидан кейинги давслабки йилларда Туркистон мактаблари, мадрасаларининг вақф мулкларини тартибга солиш учун ҳеч қандай амалий қадам қўйилмади. Аксинча Шўро ҳукуматининг марказда қабул қилинган, Туркистоннинг ўзига ҳос, миллий маҳаллий шароитига мувофиқ келмайдиган қонун-қоидаларини тўғридан-тўғри жорий этишга ҳаракат қилинди.

1918 йилнинг 23 январида РСФСР ХКС томонидан қабул қилинган “черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш ҳақида”ги декрети Туркистонда “Масжид бутхоналарнинг давлатдан, мактабларнинг масжид бутхоналардан ажратилиш ҳақида декрет” номи билан эълон қилинди. Декретга кўра асосан масжид, бутхоналар (дин) давлатдан, мактаб масжид, бутхоналардан ажратилди. Масжидлар ва бошқа диний жамиятлар хусусида: “10. ҳар бир диний жамиятлар диний бўлмаган хусусий жамиятлар ва союзлар тўғрисидаги қонунларга итоат этадурлар. Диний жамиятлар давлат автономия ёки шу ернинг идоралари тарафидан бериладиган имтиёзлардан фойдаланмайдилар. 11. Масжидлар, диний жамиятлар ўз фойдалари учун

халққа мажбурий бўлган ҳеч қандай солиқ сола олмайди. Ўшандоқ, бу жамиятлар ўзларининг аъзоларини қўллаб, қандай бўлса ҳам бир ишга мажбур қилолмайди ва жазолай олмайди” –деб кўсатиб ўтилган эди.

Декретга биноан диний ташкилотлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Декретдаги бу ҳолатлар Советларнинг 1917 йил 26 октябрдаги II-Бутунроссия съезди қабул қилган “Ер тўғрисида” ги декретига асосланган эди. Чунки, унга кўра, барча ерлар, жумладан масжидларнинг ҳам ерлари умумхалқ мулки деб эълон қилинди, ерга бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинган эди<sup>79</sup>.

Маълумки, Туркистондаги Шўро ҳокимияти фақат марказда қабул қилинган қарор ва декретларгагина амал қилади. Октябр тўнтарилишидан кейин диний масалалар билан Туркистон МССР ишлари халқ комиссарлиги шуғилланди.

1918 йилнинг декабр ойида Туркистон республикаси Миллатлар ишлари комиссарлигида вақф мулкларини бошқариш бўлими таъсис қилинди. Мазкур бўлим раҳбарлари фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ вақф мулкларини давлат тасарруфига ўтказиш сиёсати тарафдори бўлдилар.

Шўро ҳокимиятининг раҳбар органлари томонидан қабул қилинган барча қарорларни ҳаётга тадбиқ қилиш вазифаси юклатилган комиссарлик вақф масаласида ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилган ер ҳақидаги декретга асосан ўлкадаги барча вақф мулкларини ҳисобга олиб<sup>80</sup> уларни давлат мулкига айлантириш ишини олиб борди.

Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Советининг 1920 йил 17 ноябрдаги Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ва Ер тузилиши ҳақидаги Низомига асосан Туркистон ҳудудидаги барча ер ва сув, ким томонидан фойдаланилишидан қатъий назар, ягона давлатнинг, халқнинг мулкига айлантирилди. Вақф ерлари эса Халқ Маорифи Комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Шу тариқа 1920 йилнинг

---

<sup>79</sup> А.Адхамов. Дин ҳам шўролар ҳуқумати. Т., 1967. – Б. 39.

<sup>80</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.

ноябрида Туркистон МССР ҳокимияти асрлар давомида мактаб ва мадрасаларнинг иқтисодий асосини ташкил этган вақф ерлари давлат тасарруфига ўтказилганлигини эълон қилди<sup>81</sup>.

Мактаб мадрасаларнинг вақф мулклари мусодара қилиниб, ўзлари ёпиб қўйила бошланди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида вақф масаласида ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги ва марказнинг ер ва бошқа мулкларни национализация қилиш ҳақидаги декретлари натижасида мусулмон мактаб ва мадрасаларга тегишли бўлган вақфларнинг ҳам талон-тарож қилинишга шароит туғдирди.

Асрлар давомида даҳлсиз ҳисобланган вақф мулклари шўроларнинг турли хўжалик идоралари томонидан тортиб олиниб ҳарбий ва савдо ташкилотларининг омборхоналарига айлантирилди. Кўплаб мусулмон мактаб ва мадрасаларининг вақф ерлари маҳаллий коммунал хўжалик идоралари қўлига ўтди. Шўро ташкилотлари томонидан диний муассасаларни вақф мулкларига нисбатан ҳурматсизлиги, табиий равишда мусулмон руҳонийлари ва диндорларнинг норозилигига сабаб бўлди.

Большевик партиясининг шўро ҳокимиятининг масжидлар, мусулмон мактаб ва мадрасаларнинг вақф мулкларига нисбатан салбий муносабати ўлкада миллий-озодлик кураши, “истиклолчилик” (“босмачилик”) ҳаракатининг кучайишига сабаб бўлди. 1922 йилнинг баҳорида Туркистон, Бухоро ва Хоразмда миллий озодлик ҳаракатининг кенг қулоқ ёйиши натижасида сиёсий вазият ниҳоятда кескинлашди.

1922 йилнинг апрель ойида истиқлолчи миллий ташкилотлар Самарқандда яширин тарзда бирлашган Мусулмон Туркистон Конгрессини чақирдилар. Қабул қилинган манифестда Туркистон Туркий мустақил республикаси ташкил қилинганлиги билдирилган эди. Худди шундай йиғилиш 1921 йилнинг охирида Тошкент шаҳрида ҳам бўлиб ўтганди. Унда ўлкадаги истиқлолчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қарор қилинган эди.

---

<sup>81</sup> Жўраева Г. Вақф нима? // Шарқшунослик. 2-тўплам. 1991. – Б. 37.

Миллий етакчиларнинг Марказ олдига каттиқ туриб қўяётган талаблари ва ўлкадаги кучли истиқлолчилик ҳаракати Туркистон ва Бухорога доир масалаларни Бутунроссия миқёсида муҳокама қилишни тақозо этди.

1922 йил 13 майдаги Пленуми “Туркистон-Бухоро” ишлари бўйича қарор қабул қилди. Унда бошқа масалалар билан бирга вақф ерларини эгаларига қайтариш, барҳам берилган шариат қозиларини тиклаш ва мусулмон мактаб ва мадрасаларига эркинлик бериш кўрсатиб ўтилди РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1922 йил 19 майдаги Пленуми Марказий Қўмнинг ушбу қарорини амалга ошириш тадбирларини белгилайди. Пленум Туркистон, Бухоро, Хоразмдаги шўро ва партия раҳбарларига вақфларни қайтариш қозилик ва бойлик судларига йўл бериш вазифасини юклади<sup>82</sup>.

Коммунистик партия ва шўро ҳукуматининг бундан кўзланган мақсади сиёсий ён босиш орқали вақтдан ютиш шу йўл билан халқ оммасини кўпроқ ўз томонига ағдариб олиш ҳамда ўз мавқеини мустаҳкамлаш эди. Шунинг учун Туркистон МССР Марказий Ижроия Қўмитаси ўта қайишқоқлик билан сиёсат олиб борди. 1922 йил 22 июндаги “Туркесублика мадраса ва масжидларига вақфларни қайтариш ҳақида”ги декрет билан ислом диннинг иқтисодий асоси бўлган вақф мулкларини ўз эгаларига қайтарди. 1922 йил 25 июлдан бошлаб бутун Туркистон бўйича шўро халқ судлари билан баробар шариат ҳамда одатга асосланган қозилик ва бийлик судлари тикланди<sup>83</sup>. Шўро ҳукумати томонидан қўйилган бу қадам уруш ва вайронкорликдан, қашшоқликдан чарчаган халқ оммасининг Шўролар томонга ўтишини тезлаштирди.

Ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олган шўро ҳукумати Туркистондаги ислом дини, мусулмон мактаблари ва уларнинг иқтисодий асоси бўлган вақф мулкларини идора қилиш ишларига ўзгартиришлар киритиш, мусулмон мактаб ва мадрасаларини шўролаштириш учун ҳаракат бошланди.

---

<sup>82</sup> Жўраева Г. Вақф нима?//Шарқшунослик. 2-тўплам. 1991. – Б. 37.

<sup>83</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.



1922 йилнинг 29 октябрда Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Республика Ички ишлар, ер-сув ишлари ва адлия халқ Комиссарликлари вакиллар ҳайъатлари вакиллари билан биргаликдаги йиғилишида вакиллар ҳақида мукаммал Низом ишлаб чиқиш учун Эшонхўжаев, Хомутхонов, И.Хидралиев, Солоев ва адлия Комиссарлиги вакилидан иборат таркибда комиссия тузилди. Комиссия ўз ишида вақфдан тушадига даромаднинг асосий қисми мактабларга сарфланишини тامينлаш, вақф мулкларининг амал қилиш муддатлари ва кейинчалик давлат ихтиёрига ўтишини белгилаш керак эди<sup>84</sup>.

1922 йил 28 декабрда ТуркМИҚнинг 173-сонли “Вақф ҳақида” ги янги декрети имзоланди. 1922 йил 20 июндаги 75-сонли декрет бекор қилинди. Янги декретга асосан инқилобга қадар масжидлар, мазорлар, қорихоналар ва билан баробар ҳайрия ва маданий муассасалари (мадраса, мактаб, етимхона ва бошқалар)нинг мулки бўлган вақф ерлари мазкур муассасаларга ўз эҳтиёжлари ҳамда мақсадлари йўлида фойдаланиш учун берилди. Шаҳар ташқарисидаги, бутун қишлоқларни эгаллаган бир гуруҳ ёки айрим шахсларнинг вақф ерлари, шу билан бирга қишлоқ хўжалик Декрет имзоланган пайитда улардан амалий фойдаланаётганларга қолдирилди. Бу ерлар фақат давлат солиғи ва маҳаллий йиғинларга тортиладиган, кейингиси қишлоқдаги таълим эҳтиёжлари учун махсус маданий-оқартув фондига тушадиган бўлди.

Вақф ерларига хусусий шахслар ва муассасалар томонидан тикланган қурилишлар, агарда вақфнома бўйича вақф мулки таркибига киритилмаган бўлса, улардан олинадиган ижара ҳақи вақф бўлими ва Маориф бўлими томонидан тенг тақсимланиш белгилаб қўйилди. Вақф ерлари ва бошқа мулкларни қайтариб олиш ҳақидаги илтимосномалар, манфаатдор муассасалар томонидан 1924 йилнинг 1 январигача бўлган муддатдан

---

<sup>84</sup> Комилов О. XX асрнинг 20 йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Т.: 2009.

кечикмай, 1917 йилнинг 7 ноябрига қадар тузилган вақфномларни албатта тақдим қилиш шарти билан топширилиши лозим.

Биринчи декрет вақфнинг диний этиборини сақлаб қолган эди. Янги декрет эндиликда вақфларнинг диний мақсадларда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган тарзида таъсис этишни тўхтатиб қўйди. Унда янги вақфларнинг таъсис этиш фақат ҳайрия, маданий-оқартув, оммавий-хўжалик эҳтиёжлари учунгина рухсат этилди деб кўрсатилди.

Декретга биноан вақфларни бошқаришнинг эски тартиби ўзгартирилди. Вақфларга Маориф Халқ Комиссарлигининг бош вақф идораси ва жойларда уезд ижроия қўмитасининг вақф бўлими эгалик қиладиган бўлди. 1923 йилнинг 1 январида Туркистон МССР Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузурида бош вақф идораси ташкил қилинди. Ушбу идора зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

а) вақф бўлимлари тизимини белгилаш ва уларнинг шахсий таркибини тиклаш;

б) вақф бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қилиш;

в) барча мадраса, янги ва эски усул мактабларидаги таълим-тарбияга раҳбарлик қилиш;

г) вақф бўлимларининг вақфдан фойдаланиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш ва ушбу бўлимлар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш;

д) вақф бўлимлари тақдим этган сметаларни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш ҳамда унга мадраса ва бошқа мусулмон мактабларини ҳисобга олиш.

Янги иқтисодий сиёсат даврида чуқур тарихий илдизга эга бўлган вақфлар миқдори, қулай шароит туфайли кўпайган эди. Шўро ҳукумати шу маблағдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш чораларини қидира бошлади.

Бош вақф идораси ва вақф бўлимларига янги ва эски усулдаги мусулмон мактаблари ва мадрасаларидаги таълим тарбия ишларига раҳбарлик қилиш юклатилди. Вақф мулкларини бевосита бошқариш мутаваллилар зиммасида қолди. Маданий-марифий муассасалар-мактаб, мадрасаларнинг

мутаваллиларини вақф бўлими тайинлайди. Диний муассасалар-масжид, корихона, мазорларнинг мутаваллилари маҳалла аҳолисининг умумий йиғилишида сайланиб, вақф бўлими томонидан тасдиқланадиган бўлди.

Бош вақф идораси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятининг муҳим йўналиши халқ маорифини ривожлантиришга сарфланиши лозим бўлган вақф мулклари ва улардан тушадиган даромадларни ҳисобга олиш эди. 1923 йил собиқ учта Ўрта Осиё Республикалари ҳудудидаги вақф мулки ҳисобидаги карвонсаройлар, савдо расталари, ҳамомлар, сув тегирмонлари, абжувозлар, ғишт заводлари қушхона, бозор майдонлари ва мевали боғларни рўйхатга олина бошланди. Булардан ташқари Хоразмда 6 та ўрмон майдони ва 55 та кўл бош вақф идораси қарамоғига киритилди<sup>85</sup>.

1924 йилнинг охирида ўтказилган миллий давлат чегараланишидан сўнг ташкил топган Ўзбекистон ССР да халқ маорифи комиссарлиги ҳузурида бош вақф идораси ва унинг жойлардаги бўлимлари таъсис этилди. Етти вилоятда 15 та вақф бўлими ташкил топди.

1925 йилда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган вақф мулкларининг ҳолати қуйидагича эди<sup>86</sup>.

---

<sup>85</sup> Болтабоев С.Т. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Наманган нашриёти, 2005.

<sup>86</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.

Т.р	Мулкларнинг номи	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Самарқанд вилояти	Собиқ Хоразм вилояти	Собиқ Бухоро вилояти	Жами
1	Дўконлар	1842	2473	747	2077	2896	10035
2	Карвонсаройлар	16	49	16	159	14	254
3	Хамомлар	6	22	4	15	3	50
4	Тегирмонлар	12	23	15	19	-	69
5	Обжувозлар	3	8	4	-	-	15
6	Бозор расталари	1	9	5	27	9	51
7	Каппонлар	2	4	-	-	-	6
8	Турар жойлар	8	7	1	55	-	69
9	Чойхонлар	-	10	-	35	-	45
10	Мевали боғлар	-	306	92	-	-	398

Жадвалда келтирилган вақф мулкларини асосий қисми маданий-маърифий характерга эга бўлиб, ундаги рақамларни тугал ҳолатда деб ҳисоблаб бўлмайди. Сабаби, вақф бўлимлари аппаратининг камқуватлилиги бутун вақф мулкларини қамраб олишга имконият бермасди. Агарда чоризм давридаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, туркистоннинг учта вилояидаги мавжуд мадрасаларнинг ўзига 2208 та дўкон, 974 та савдо растаси ўрни, 58 та карвонсарой, каппон, 24 та ҳаммом ва 15 та тегирмон тегишли бўлган<sup>87</sup>.

Мусулмон мактаб ва мадрасалари ҳамда бошқа диний муассасаларнинг вақфларидан олинадиган даромадлардан фойдаланиш тартиби шўро ҳокимиятининг доимий ҳақиқат марказида бўлди. Фикримизнинг далили сифатида Туркесублика ХКС нинг 1923 йил 17 мартдаги кенгайтирилган йиғилишини мисол келтириш мумкин. Йиғилишда вақф мактаблари ҳақидаги масала махсус муҳокама қилинди. ХКС маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган вақфларнигина тан олиш зарур деган қарорга келди. Бу маблағлар биринчи навбатда шўро мактабларини таъминлашга янги усул мактабларини

<sup>87</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.

кўллаб қувватлаб кейинчалик уларни шўролаштириш ва маҳаллий ижрокўмлар қарори билан шўро мактаблари киритишга фақат диний аҳамиятга эга бўлган маблағнинг бир қисмигина мусулмон мактаб ва мадасалари учун мўлжалланган эди.

Ҳужжатнинг мазмунидан шу нарса аниқ кўриниб турибдики, Туркистондаги шўро ҳукумати 1923 йилдан бошлаб мусулмон мактаб ва мадрасаларни тугатиш мақсадида уларнинг иқтисодий оширишга киришган эди. Бош вақф идораси шўро ҳукуматининг бу сиёсатини бевосита амалга ошириш вазифасини ўтади. Вақф органлари мактаб ва мадрасаларга зўрлик билан шўро мактаби дастурини кирита бошладилар. 1924 йил вақф идораси томонидан рўйхатга олинган 212 мадраса ва 191 та мактабдан 738 нафар талабаси бўлан 10 та мадраса ва 3080 нафар ўқувчидан иборат 41 та мактаб шўро мактабига айлантирилди<sup>88</sup>. Бу мактабларда дастлаб 50 фоиз дарсларни диний ахлоқий илмлар ташкил этган бўлса, 1924 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ягона меҳнат мактаби дастурига ўтказилди. Шўролаштирилган мактабларнинг 90 фоизи вақф идораси ташкил этган қисқа муддатли педагогик курсларни битириб шўро мафкурасини қабул қилган муаллимлар билан таъминланди.

1925 йил 2 декабрда Ўзбекистон Шўролари МИҚнинг фавкулотдаги сессияси ер-сув ислоҳати ҳақидаги декретни қабул қилди. Ислоҳатдан кўзланган мақсад ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бўлиб бериш учун ер фондидан ташкил этиш эди. Бу фондга маданий-маърифий ҳарактердаги вақф ерлари ҳам киритилган эди. Масжид мазорларга тегишли бўлган диний ҳарактердаги вақф ерлари даҳлсиз бўлганлиги учун ер-сув ислоҳатига тортилмади.

Республикада ер сув ислоҳати ўтказилиши муносабати билан 1925 йил 19 декабрда Ўзбекистон шўролари марказий ижроия кўмитаси “Вақфлар ҳақида” қарор қабул қилди. Қарорга кўра, вақф мулки деб мазкур қарор чиққунига қадар хусусий шахслар ёки бирлашмаларни маданий-маърифий

---

<sup>88</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.

ёки ижтимоий фойдали масалалар фойдасига хайр-еҳсон ёки васият қилиш орқали воз кечилган мулклар ёки олинадиган даромаддан фойдаланиб ушбу муассасалар эҳтиёжини қондириш ҳуқуқини берувчи мулклар тан олинди. Маданий-маърифий ва ижтимоий фойдали мақсадларда таъсис этилган вақфлар давлат мулки деб эълон қилинди. Диний жамоалар масжид ва мадрасаларнинг вақфлари даҳлсиз қолдирилди.

Қарор эълон қилингунга қадар аниқланган, ҳисобга олинган ва бекор қилинмаган вақф мулклари ва шаҳар четида жойлашган узумзор ҳамда мевали боғлардан иборат вақф ерлари Бош вақф идораси ва унинг жойлардаги бўлимлари тасарруфига ўтказилди. Шаҳар ташқарисидаги барча ерлар Ўз ССР ер ишлари комиссарлигига берилди.

Бош вақф идораси ва унинг жойлардаги бўлимлари давлат муассасаларига берилган барча ҳуқуқларга эга бўлди. Жойларда вақф бўлимларининг мавқеини кучайтирилиши вақф мулкларидан олинадиган даромадларни бутунлай назорат этишга шароит яратди.

1925-1926 йиллар давомида Бош вақф идораси ҳисобидаги вақф даромадларининг умумий суммаси 2.322.557 сўмни ташкил этди. Унинг вилоятлар бўйича тақсимлаш қуйидаги ча эди:<sup>89</sup>

1. Тошкент .....809315 сўм
2. Самарқанд .....192500 сўм
3. Фарғона .....306926 сўм
4. Зарафшон .....632500 сўм
5. Қашқадарё .....171317 сўм
6. Сурхондарё.....----
7. Хоразм .....210000 сўм

---

Жами .....2.322.557 сўм

---

<sup>89</sup> Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.

Бу маблағнинг аксари қисми мусулмон мактабларининг иқтисодий таъминлаш ва ривожлантириш учун эмас, аксинча уларни шўролаштиришга, шўро мактаблари эҳтиёжи учун ҳамда мактаб биноларини таъмирлаш, янгисини қуриш учун сарфланди. Масалан, 1925-26 йилларда Ўзбекистондаги 10.678 ўқувчиси, 382 синфдан иборат 97 та 1-босқич шўро мактаби вақф мулки ҳисобидан таъминланган<sup>90</sup>.

Шундай қилиб Ўз.ССР МиҚ ўзининг 1925 йил 19 декабрдаги “Вақфлар ҳақида” ги қарори билан маданий-маърифий характердаги қавф ерларини давлат мулки деб эълон қилиш орқали мусулмон мактаб ва мадрасаларнинг иқтисодий асосидан маҳрум қилди. Партия органларнинг тазиқи очишда Ўзбекистон ҳукумати республикадаги ўзига ҳос маҳаллий шароити ҳисобга олмасдан нафақат маданий-маърифий балки диний вақфларни ҳам тугатиш ишини тезлаштириб юбордилар.

1927 йил 27 сентябрдаги Ўз ССР ХКС вақф мулклари Бош вақф идорасидан, маҳаллий хўжалик идораларига беришга қароро қилди. Қарорда, вақф мулклари маҳаллий хўжалик мулклари билан бир ҳил бўлган ҳолда, улардан фойдаланиш усуллари бир-бирига тўғри келмаганлиги ҳамда бир иш тепасида икки идоралар | ИИХК (НКВД) қошидаги маҳаллий хўжаликлар бош идораси ва ХМК қошидаги Бош вақф идорасининг назорат этиш иқтисодий жиҳатдан зарарли эканлиги қайд этилиб, вақф мулкларидан тушадиган даромад ҳисобидан таъминланадиган маданий-маърифий муассасалар маҳаллий хўжалик идораларининг таъминланишига ўтказиш шарти билан вақф мулкларини маҳаллий хўжалик мулклари билан бирлаштиришни мақсадга мувофиқ деб топилди.

---

<sup>90</sup> Болтабоев С.Т. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Наманган нашриёти, 2005.

### **3.2. Оммавий қатағон йилларида ислом муассасалари ва уламоларига муносабатнинг аянчли оқибатлари**

XX асрнинг 20 йилларига келиб Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимиятининг ислом динига қарши олиб борган сиёсати мафкуравий жихатдан халқнинг ўтмиши, маънавияти, маданий мероси ва миллий кадриятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган асрий эътиқодидан маҳрум этиб, кишилар онгида ягона коммунистик мафкурани қарор топтириш мақсадига қаратилган бўлиб, буни амалга ошириш учун большевиклар энг аввало ислом динини тарғиб этувчи диний улуомолардан қутулиш лозим деб топдилар. Шу сабабли диний уламолар синфий душман деб эълон қилинди ва тазйикқа олинди. Большевиклар руҳонийларга қарши курашда тарғибот-ташвиқот ишларига зўр бера бошладилар.

Шу даврдан бошлаб совет ҳокимияти учун руҳонийларга қарши кураш кун тартибидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Масалан, 1923 йил 5 апрелда бўлиб ўтган Самарқанд вилояти партия конференциясида “Динга қарши кураш ташвиқотни эҳтиёткорлик билан барча шаҳарларда, фабрика- заводларда, қишлоқларда олиб бориш, бунда аҳоли орасида катта нуфузга эга бўлган жадидлардан кенг фойдаланиш, маданий ҳаётда жадидларнинг куч ва имкониятларидан фойдаланиш, жадидлар ва мусулмон руҳонийлари ўртасида илмий-ғоявий баҳсларни ҳамда мусулмон зиёлиларининг динга қарши кайфиятдаги қанотини доимо кўллаб-қувватлаш” лозимлиги алоҳида таъкидланган<sup>91</sup>.

Большевикларнинг жадидларни диний уламоларга қарши қилиб қўйиш сиёсати муваффақият қозонмади. Аксинча, зиёлилар дунёвий билимларни кенг тарғиб қилиш билан бирга диний эътиқодни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишини муҳим вазифалардан бири сифатида қаради.

---

<sup>91</sup> А.Бодиров. Зарафшон воҳасида советларнинг диндорларга ва руҳонийларга қарши қатағони. Имом Бухорий. 2014. 2-сон. – Б. 32.



XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий сиёсати соҳасидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини қарор топтиришга қаратилган кескин ўзгаришлари жамиятда барча табақалар сингари диний уламоларга ҳам катта зарба берди. Диндорлар ва дин аҳлларига қилинган ошқора тажовуз узоқ вақт ўзларини ўнглай олмайдиган даражада салбий таъсир қилди.

Совет ҳукуматининг жойлардаги Ижроия Қўмиталари вақф мулкларини бошқарувчи мутаваллиларнинг кўпчилигини вақф даромадларини ўзлаштирганликда айблаб, уларни ўзларига маъқул кишилар билан оммавий равишда алмаштириш компаниясини уюштирди. Эски Марғилон депутатлари Совети Ёроталик масжиди имомини, ҳамда Оқйўлбой мадрасаси мутаваллисини вақф даромадини шахсий фойдасига ўзлаштиришликда айблаб 1919 йил 19 июлда ишдан олади.

1918 йил 27 августда бўлган Наманган шаҳар ижрокўми йиғилишида Айритом масжиди мутаваллиси Исломхўжа эшон ўзининг “жиноятлари”, яъни масжидга келган даромадлар ва ҳаражатлар ҳақида нотўғри маълумотлар берилганлиги учун ишдан олинади<sup>92</sup>.

Ўша йилда Ҳолхўжа Эшон мадрасаси мутаваллиси Мулла Абдуқаҳҳор, Абдувахоббой мадрасаси мутаваллиси Мулла Ашур Рахимов, Шаҳрихондаги Собирхўжа масжиди имоми Мулла Саъдуллахўжа кабилар ҳам талон-таложликда айбланиб ишдан олинди.

Архив манбаларининг маълумотича 1918-1921 йилларда Самарқанд Фарғона ва Сирдарё вилоятларида мадраса ва масжидларнинг катта қисми вайрон қилиниб, улар ўз даромад манбаидан ажралиб қолди.

Мухториятнинг қонга ботирилиши советларнинг террорчилик фалсафаси ва психологияси инқилобидан кейинги йилларда бутун Россия империяси худудигина эмас балки Туркистон ўлкасида ҳам амалга оширилаётганини кўрсатди.

---

<sup>92</sup> Фарғона ВДА, 121- фонд, 1-рўйхат, 150-иш.

Озодликни осонлик билан кўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар кўлга қурол олиб большевиклар режимига қарши истиқлолчилик ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Бу ҳаракат 1935 йил охирига қадар давом этди. Ёш тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов тахлили бўйича 1918-1924 йиллар ичида фақатгина Фарғона водийсидаги муҳолиф кучлар бўлган истиқлолчилик ҳаракати аъзоларидан 500 минг киши қизил аскарлар томонидан қириб ташланган. 1 минг киши очликдан ўлган. Унинг асосли далилларига қараганда 1915 йили бу минтақада 2,2 млн киши яшаган бўлса 1924 йил охирига келиб водийда 500 минг киши қолган, яъни 10 йил ичида 1 млн 700 минг киши ҳалок бўлган<sup>93</sup>.

Ўзбекистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат деярли бостирилгач, большевикларнинг динга ва уламоларга қарши сиёсати яна кучая бошлади. Уларнинг сиёсати масжидарни беркитиш, диний таълимни ман этиш ва диний адабиётларни ёқ қилиш каби тадбирларда намоён бўлди. Холбуки, 1917 йилга қадар 23 мадраса, 62 масжид фаолият кўрсатаётган эди<sup>94</sup>.

Ўзбекистонда истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубиятга учраши, ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши (1925-1929 йй.), хотин қизларни озодликка олиб чиқишга қаратилган “Хужум” компанияси (1927-1928 йй.), қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати (1929-1932 йй.), айнан ушбу аграр ўзгаришлар билан бир даврда амалга оширилган қулоқлаштириш сиёсати ҳамда 1937-1938-йиллардаги оммавий қатағонлар даврида диний уламолар катта жабр кўрдилар. Юқорида таъкидланган жараёнлар давомида маъмурий буйруқбозлик тазими ва шахсга сиғинишнинг кучайиши туфайли ҳаёт қаттиқ исканжа остида қолди.

---

<sup>93</sup> Қ.Ражабов. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 й) Д. Т., 1995. – Б. 35

<sup>94</sup> А.Бодиров. Зарафшон воҳасида советларнинг диндорларга ва руҳонийларга қарши қатағони. Имом Бухорий. 2014. 2-сон. – Б. 33.

Совет ҳокимияти ўзининг салбий натижаларини берган ислохотларини ўтказар экан, жамиятда кишиларнинг исломий маънавият таъсирида асрлар оша яшаб келаётган ҳис-туйғуларини оёқ-ости қилди.

Ўзбекистон ССРда ўтказилган ҳар бир тадбир жамият аъзоларининг катта қисмига қарши қатағонлик муҳитини вужудга келтирди. Бундай таъқиб ва тазйиқдан диний уламолар кўпроқ жабр кўрди. Республикадаги номуқобил вазият, совет ҳокимиятининг миллий ўлкалардаги зўравонлик сиёсати охир оқибат бу режимга қарши халқ оммасини узоқ вақт давом этган қуролли ҳаракатини келтириб чиқарган эди. Совет тузумига муҳолифатда бўлган кучлар ҳамда совет даври тарихи адабиётларида “аксилинқилобчилар” деб баҳоланган ташкилотлар фаолияти дастак қилиниб, диний уламолар тазйиқ остига олинди. Уламоларга “босмачиларга кўмаклашгани, босмачиларни яширгани, босмачиликда иштирок этгани, улар билан шерикчилик қилгани, жосуслиги, аксилинқилобий ташкилотларга аъзо бўлгани, аксилинқилобий тарғибот юритгани, террорчилиги, босмачиларга ғоявий раҳнамолик қилгани” каби айблар кўйилиб, жазога тортиш оммавий тус олди. Мулла, шайх, қози, имом, аълам ва мутаваллилар бой, қулоқ бўлгани ёки уларнинг йирик заминдорларга хайрихоҳлиги ҳам қатағон қилинишига сабаб бўлган.

1930 йил 22 февралда бой ва қулоқ бўлгани, босмачиларга кўмаклашгани, босмачиларни яширгани айби билан 11 киши отувга ҳукм қилинган. Уларнинг орасида ўз даврининг билимдон уламолари: Шаҳобиддин Омонов, Мамадали Эшон Исоқов, Мулла Фозил Оқилов, Ҳолматхожи Мирзалиев кабилар бўлган<sup>95</sup>.

Ўша йилнинг апрел ойида аксилинқилобий ташкилот гуруҳларида иштирок этгани ва аксилинқилобий тарғиботчиликда айбланиб 110 нафар диний уламолар қамоққа олинган. Улар ОГПУ қамоқхоналарида қатъий режим остида сақланиб, тергов қилинган<sup>96</sup>.

---

<sup>95</sup> Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. –Т., Шарқ, 2003. – Б. 170.

<sup>96</sup> Ўша асар. – Б. 173.

Совет ҳуқуқ-тарғибот идоралари тергов жараёнида ҳеч қандай айби бўлмаган, ўзининг инсоний шаъни ва ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан диний уламоларнинг кўпчилигини олий жазо - отувга ҳукм қилган. Жумладан, 1930 йил 27 октябрдаги “учлик” йиғилишининг 5054-сонли ишида Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг тақдири баён қилинган. Унда Носирхонтўра Камолхонтўраев (56 ёшда, тожик, бой, хўжалиги тугатилган, машҳур мударрис, Қўқон мухторияти ҳукуматининг собиқ вазири, Наманган руҳоният идорасида ҳам раислик қилган, 1925-1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган) иши кўрилиб, отувга ҳукм қилинди деб ёзилган<sup>97</sup>.

Бу каби маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Аксилинқилбий тарғибот юритган, террорчи, оммавий чиқишда иштирок этган каби ўнлаб айблар билан бутун Ўрта Осиё қамоқхоналарида 1930 йил июнига қадар 51 нафар уламо айнан босмачиларга шерикликда, 59 та уламо жосусликда, 1 та уламо нолегал чегарадан ўтишда ва 1 та руҳоний сохта пул чиқаришда айбланиб, тергов беришга мажбур бўлган<sup>98</sup>.

Совет ҳокимиятининг жазо идоралари Республиканинг барча вилоятларидаги мусулмон уламолари ҳисобланмиш имом, эшон, сўфи, қори, мударрис, мутавалли, шайх кабиларнинг аниқ рўйхатини олиш, улар ҳақида маълумот тўплаш, аввал ким бўлган, нима ишлар билан шуғулланганлиги ҳақида ички ишлар назорат органлари томонидан тафтиш ишлари ҳам олиб борилган. Фарғона вилоят халқ судининг 1940 йилда 13 та диний уламолар иши юзасидан ҳукм қилган қарорига асосан 8 киши турли муддатларга қамоқ жазоси белгиланганлиги, 5 кишига эса енгил жазо чоралари қўлланилганлиги таъкидланган. Ушбу ишни қайта кўриб чиқиш, жазо чораларини кучайтириш, айниқса, Қўқондаги турли масжидларда имомлик қилган Обид Мирзохидов, Юсуфбоев, Мирзабой Қорабоев кабиларнинг 1938-1940 йиллардаги фаолиятини чуқурроқ ўрганиш вазифаси топширилган.

---

<sup>97</sup> Ўша асар. – Б. 177.

<sup>98</sup> Ўша асар. – Б. 183.

НКВД ва ОГПУ идораларининг “учлик” аъзолари “яширин фаолият олиб бораётган” диний уламоларни асоссиз ва айбсиз таъкиб остига олганлиги бирламчи ҳужжатлар орқали маълум бўлади.

Кармана тумани Тошровот қишлоғилик диний маросимлар хизматчиси, домла, имом, қори Саид Комил Аҳмедов, мулла Ёдгор Саидов, Юсуф Мирфайсиев, Йўлдош эргашев, Ёшүзоқ Қўлдошевлар<sup>99</sup> аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий исёнчилик тарғиботини олиб борганликда айбланади.

Самарқанд тумонидан Оқилов Рауф, Ургут туманидан Берди Мулла Хорун каби уламолар ҳам диний фаолияти учун совет ҳокимиятига қарши чиқишда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Диний уламоларни таъкиб остига олиш йил сайин кучайиб бориб, 1937-1938 йилларда авжга чиққан. Зарафшон воҳасида бу даврда юзлаб диний уламолар ҳибсга олиниб, қатағонга учраган. Улар диний урф-одатларга амал қилганликда ёки диний адабиётларни сақлашда айбланиб, ҳибсга олинган, тергов жараёнарида эса улар совет ҳокимиятига қарши иш олиб борганликда айбланган. Масалан, Нурота туманидан собиқ руҳоний, имом Мулла Ҳақберди Тўрақулов 1932 йилда 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлиб, у руҳонийлиги учун сургун қилинган, жазони ўтаган, имомлик ва руҳонийлик билан шуғуллангани учун отувга ҳукм қилинган. Яна у аҳоли орасида мағлубиятчилик ҳаракатидаги тарғибот олиб борганликда, кохосчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган. Шу туманнинг Гузарқўрғон қишлоғилик масжид шайхи Ғиёс Ниёзов қулоққа тортилган, 1931 йилда советларга қарши ҳаракати учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, диний маросимлар хизматчиси, шайх, сўфи бўлганлиги учун отувга ҳукм қилинган. Булардан ташқари Ғиёз Ниёзов диний йиғинларда фойдаланиб, доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида

---

<sup>99</sup> А.Бодиров. Зарафшон воҳасида советларнинг диндорларга ва руҳонийларга қарши қатағони. Имом Бухорий. 2014. 2-сон. – Б. 34.

аксилинқилобий иғвогорона миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти шаънига бўхтонлар билдирганликда айбланган.

Уламоларни катагон қилиш омилларида бири сифатида уларни давлат томонидан берилётган нафақалардан маҳрум қилиш воситаси ҳам қўлланилган. Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бўлими динга қарши тарғибот ячейкасининг ҳисоботида 1938-1940 йилларда Марғилон шаҳрида 45 нафар уламолар давлат ҳисобидан нафақа олиши, Қўқон шаҳрида ҳам 50 га яқин диндорлар нафақахўрлиги қайд қилиниб, уларни давлат нафақасидан маҳрум қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган<sup>100</sup>.

Диний уламолар ва диндорларга қарши кураш, уларнинг белгиланган солиқларни ўз вақтида тўламаганлиги айби воситаси билан ҳам олиб борилган. Бундай уламолар иши жойларда Халқ судлари ҳукмига топширилган. 1939 йил Фарғона вилоятининг №18 бўлимига қарашли Халқ судида 68 нафар диний уламолар иши кўрилиб, уларга 79 456 сўмлик солиқни тўламаганлик айби юклатилади. 1940 йилнинг биринчи ярмида молиявий ташкилотлар томонидан 61 нафар уламо 129 586 сўм солиқ тўламаганлиги аниқланди. 1940 йилнинг 20 июнида вилоят Халқ судида 126 кишининг иши кўрилиб, уларнинг барчаси уламолардир,<sup>101</sup> деб маълумот берилади архив ҳужжатларида.

1940 йилда республиканинг энг йирик вилоятларидан бири бўлган Фарғонада 3000 дан ортиқ уламолар рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Чуст, Асака, Қува каби шаҳарларда яширин ёки очик фаолият олиб бораётган масжид имомлари, муҳалла муллалари, қори ва отинбибилар бўлиб, солиқ юки туфайли баъзилари ўз диний вазифаларидан воз кечиб, деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлганлар.

---

<sup>100</sup> ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 8-варақ.

<sup>101</sup> А.Салмонов. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдурма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 63.

1939 йилда Фарғона вилоятидаги 316 нафар уламога 621 511 сўм солиқ солинган бўлса, 1940 йилда уламоларнинг 367 нафари солиққа тортилган ва уларнинг зиммасига 798 754 сўм тўлашлик мажбурияти юклатилган<sup>102</sup>.

Айрим шаҳар ва туманларда барча масжидлар ёпиб қўйилганлиги сабабли аҳолининг диндор катлами яширин равишда уйларида ибодат қилишар эди. Ҳатто, партия ва совет органларида фаолият олиб бораётган шахсларнинг фарзандларига хатна маросимини ўтказиш эскилик саркити сифатида танқид остига олинди.

Бундан ташқари, масжид имомлари нафақадан маҳрум қилинган, шунингдек улардан ер, қурилиш солиқлари талаб қилинган. Масжидларга ҳайриялар тушуми кам бўлганлиги учун имомлар солиқ тўловидан қарздор бўлиб қолишган. Натижада қарздорлик миқдори йилдан йилга ошиб борган.

1930 йилларнинг охирларидан бошлаб, тўғридан-тўғри диндор бўлгани учун, диний маросимларда қатнашгани ҳамда унда хизмат кўрсатгани, даромад олгани учун ҳам таъқиб остига олиш авж олдирилган. Жумладан, Абдуолим Тоғаев деган шахсга нисбатан пахта йиғим-терими даврида диний маросимларни, Рўза ҳайитини ўтказиш орқали пахта йиғим-терими муддатини атайин узайтирганликда айбланган. Уни миллатчи унсур, босмачилар малайи, мулла, гуруҳ тузиб диний йиғилишлар ўтказиб туриши баҳонаси билан отувга ҳукм қилинади. Бундай айблар Жўрабой Аҳмадалиев, Мирзабой Мирзаев, Абдукарим Абзалов каби шахсларга ҳам қўйилган. Уларга диний маросимлар ўтказиш баҳонасида советларга қарши тарғибот олиб бориш мақсадини кўзлаганлиги билан боғлиқ айблар қўйилган. Ҳатто бу йиғинда қатнашган кишилар ҳам жиноий жавобгарликка тортилган, баъзилари отувга ҳукм қилинган. Масалан, Абдуолим Тоғаевнинг йиғинларида иштирок этган 7 киши отувга маҳкум қилиниб, 3 киши 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган<sup>103</sup>.

---

<sup>102</sup> Ўша асар.

<sup>103</sup> Шамутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 216, 218, 222, 223, 239, 240.

Шунинг учун катагонлик сиёсати авж олган 1937-1938-йилларда мусулмон байрамларини ўтказиш, Қуръони Карим, Хадиси шарифни мутоала қилиш, ислом дини билан боғлиқ бўлган урф-одатларни бажариш яширин равишда ўтказилган. Бундай тадбирларда, беғараз йиғинларда, маъракаларда тўпланганлар, уламолар билан мулоқотда бўлганлар ҳақида хабар берилса, улар албатта, аксилинқилобий ташкилот мажлиси иштирокчиси сифатида ҳибсга олинган. Уламоларни жамият аъзолари сафидан ўчириш, уларни ўзлари яшаб турган жойлардан бадарға қилиш, қулоқлаштириш воситалари қўлланилган.

Ўзбекистон ССРдан қулоқ қилинган хўжаликларнинг кўпчилик аъзолари руҳонийлар эди. 1930-1933 йилларда Украина, Сибир, Қозоғистон, Шимолий Кавказ каби ҳудудларга ҳамда республиканинг ўзидаги 17 та қулоқ посёлкаларига мажбуран кўчирилганларнинг анча қисмини уламолар ва уларнинг оилалари ташкил қилган.

Ғарбий Уралга сургун қилинган қулоқлар орасида Мулла Байрам Байрамгелди (Қорақалпоғистон), Имом Муллажўра Мадийеров (Наманган), Имом Заки Мелибоев (Термиз), Эшон Муллакомил Ёқубов, Мулла Иброҳим Ёқубов, Мулла Маматқул Сафаров, Эшон Абдумалик Эримбетов каби уламоларнинг исми шарифлари келтирилади<sup>104</sup>.

Уламоларни колхозлардан ҳайдаш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга мажбур қилиш каби чора тадбирларини қўллаш каби катагонлик сиёсати ҳам қўлланилади.

1931 йил баҳорида фақат Марҳамат ва Мирзачўл туманларида 4910 киши колхозлардан чиқарилган, Ўзбекистондаги турли колхозлардан 7400 нафар қулоқ, мулла, савдогар сифатида ҳайдалган<sup>105</sup>.

1932 йил 21 майда Ўз ССР ХКСнинг 211-сонли “Қулоқ хўжаликларининг белгилари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда қулоқ

<sup>104</sup> Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 237-238.

<sup>105</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т., 2003. – Б. 91.



хўжаликларнинг 15 та хусусияти кўрсатилган. Белгиларнинг олтинчисида “диний маросимларда хизмат кўрсатишдан олинадиган даромади учун кулоқ қилинсин”, – деб ёзиб қўйилган. Колхозлардан ҳайдаш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби омиллар билан бирга ўз уйида таъқиқ қилинган китобларни сақлаётганлиги, уларни тарғиб қилганлиги, қўлёзмаларни яширганлиги, маслакдошларига берганлиги, арабча ёзувни ўргатганлиги учун ўқимишли уламолар конун идоралари олдида жавобгарликка тортилиб, турли-туман жазо чоралар қўлланилган. Диний уламоларнинг кадр қиммати, шаъни ва ор-номуси оёқ-ости қилиниб, уларни ҳуқуқ-тартибот идораларига олиб бориш, милиция ходимлари томонидан бостириб кириб тинтув ўтказиш, қуролланган навкарлар орқали босим ўтказиш, дўқ-пўписа йўли билан кўрқитиш каби усуллар орқали амалга оширилган. Қаттиқ таъқиб остига олинган уламоларнинг бир қисми ўз оилалари билан хорижий мамлакатларга чиқиб кетганлиги, уларга оддий халқ вакилларининг ҳам эргашганлиги билан боғлиқ маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Бу борада тарихчи олимлар Қ. Ражабов, Р.Шамсутдинов ва Ш.Ҳайитовларнинг илмий тадқиқотларида бой маълумотлар келтирилган<sup>106</sup>.

Хуллас, XX аср 20 йилларининг иккинчи ярми ва 30-йилларда диний уламолар “босмачилик”ка қўмаклашгани, уларни яширгани, аксилинқилобий ҳаракатларда иштирок этгани, совет ҳокимиятига қарши тарғибот юритгани, колхозлар тузишга қарши чиққани, кўпоровчилик қилгани, диний маросимда қатнашиб солиқ тўламагани, яширин ташкилотларда иштирокчилиги, диний маросимларни бошқаргани кабилар рўқач қилиниб, қатағонлик гирдобига тортилди.

Диний уламоларнинг бир қисми юқорида таъкидланган даврда отувга ҳукм қилинди, яна бир қисми узоқ ўлкаларга кулоқ сифатида сургун қилиб

---

<sup>106</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: Маънавият, 2002; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 237, 238, 239, 240, 242.; Ҳайитов Ш. ва б. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: Фан, 1992.; Шу муаллиф. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро, 2005.; Шу муаллиф. Ватандан жудоликнинг мунгли тарихи. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2005.

юборилди, анча қисми эса вазият тақазосига кўра ўз оилалари билан хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Совет ҳокимиятининг диний уламоларга ноинсоний, зўравонликка асосланган сиёсати туфайли республикада ислом илми ва маънавиятидан мукаммал хабардор бўлган уламолар бутунлай йўқотилиб, уларнинг ўрнига кўр-кўрона ижрочилар, диний илмдан юзаки хабардор бўлган шахслар диний муассасалар раҳбарлигини эгаллашди. Бундай кимсалар расмангина ўз вазифаларини бажариб, юқоридан берилган буйруқларнинг ижрочиси эдилар, холос. Диний уламоларни қатағон қилиш жараёнида маънавий кадриятларимиз оёқ-ости қилинди. Уламолар томонидан сақланиб келинган диний ва дунёвий илмлар ҳамда юртимиз ўтмишидан хабар берувчи нодир кўлёмалар мусодара қилинди ёки йўқотиб юборилди.

## ХУЛОСА

Ўзбек халқининг миллий, маданий қадриятлари асрлар давомида ислом дини билан узвий равишда боғлиқ бўлиб келган. Дин маънавий ва моддий турмушда муҳим рол ўйнаб, XX асрнинг бошларида ҳам ўзининг таъсирчан кучини сақлаб қолган эди.

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор тарихий ҳужжатлар қабул қилди. Расмий ҳужжатларда, қарор ва фармонларда барча халқларнинг тенглиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, виждон эркинлиги каби инсоний ҳуқуқлар тан олинди. Бироқ, советча тартибларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш давридаёқ большевиклар маҳаллий аҳолининг диний туйғуларини поймол қилдилар. Европа миллатига мансуб минг-минглаб қизил аскарларнинг Туркистон ўлкасига сафарбар этилиши оқибатида масжид ва мадрасалар вайрон қилинди. Маҳаллий аҳолининг урф-одатларидан хабарсиз бўлган «қизил бочқинчилар» диний муассаса ва ташкилотларни отхоналарга, қурол-яроғ, озиқ-овқат омборларига, ҳарбий қисмларнинг казармаларига айлантирдилар. Охир-оқибатда диний туйғулари поймол қилинган халқнинг совет ҳокимиятига бўлган умидлари ва ишончи сўнди. Дастлабки йиллардаёқ диндор кишилар ва руҳонийлар совет ҳокимиятининг душмани сифатида таъқиб остига олинди. 1917-1920 йилларда совет ҳокимиятининг динга муносабати даҳрийликдан иборат бўлган эди. Бироқ, Туркистон ўлкасидаги иқтисодий ва сиёсий вазият совет ҳокимияти органларига бу масалада эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини кўрсатди. Аввало, имон-эътиқоди оёқ ости қилинган мусулмон аҳоли совет ҳукуматига қарши аёвсиз қуролли кураш майдонига кирди. Иккинчидан, тинимсиз давом этган қуролли тўқнашувлар ўлкада очарчиликни келтириб чиқарди ва хўжаликни бутунлай издан чиқарди. Диний муассаса ва ташкилотларнинг моддий таянчи бўлган вақф мулкларининг большевиклар томонидан давлат ҳисобига мусодара қилиниши, улар фаолиятини деярли тўхтаб қолишига олиб келди.

Туркистондаги аҳоли анча қисмини вақфкор деҳқонлар ташкил этиб, улар ўзларининг тирикчилик манбаидан ажралиб қолган эдилар. Маориф ва маданият муассасалари ҳам вақфдан келадиган даромад ҳисобидан таъминланарди. Ушбу ўзига ҳос жиҳатларни ҳисобга олган совет ҳукумати вақфларни диний муассасалар ихтиёрига қайтариш, диндорларга бир қадар эркинлик бериш, мадраса мударрислари ва масжид имомларидан таълим тизимини қайта изга солишда фойдаланишга мажбур бўлди. Шу сабабли 1922-1923 йилларда вақфлар диний муассаса ва ташкилотларга қайтарилди ва улар фаолиятига руҳсат берилганди.

Совет ҳокимияти подшо Россиясининг мустамлакачилик ва буюк давлатчиликдан иборат сиёсатини давом эттириб, Туркистон ўлкаси аҳолисининг миллий-диний туйғулари билан ҳисоблашмади. Туркистон АССР даврида совет ҳокимиятининг диний сиёсати большевикча тартибларни ўрнатиш, мусулмон диний муассаса ва ташкилотларни оёқ-ости қилиш, диндор ва уламоларни синфий душман сифатида қирғин қилиш орқали амалга оширилди.

СССР таркибида совет республикалари, жумладан Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши, большевикча тартиблар мустаҳкамланиши, “социализм ривожланиб борган сари синфий кураш кескинлашади” – деган сталинча қоида кабилардан келиб чиқиб, диндорларга қарши очик кураш бошланди. Бу кураш ўн йиллардан ортиқ давом этиб, совет ҳокимиятининг даҳрийликдан иборат сиёсий йўлини пардаланган қиёфасини ҳаққоний равишда намоён қилди.

Совет ҳукуматининг динга муносабатида шафқатсиз ва ашаддий кураш олиб бориш йўлидан чекиниши вақтинчалик бўлиб, келгусида диндорларга ва диний муассасаларга кўп йиллар давомида ўзларини ўнглаб ололмайдиган даражада зарба бериш кўзда тутилганди. Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган даврда совет ҳокимиятининг мусулмон муассаса ва ташклотларига, диндорларга муносабати давр тақазоси билан гоҳ юмшаб, гоҳ шафқатсиз тус олиб турганлиги, “социалистик қурилиш” авж олдирилган йилларда эса ўта

кескинлашганлиги яққол кўринади. 1926-1927 йилларда совет ҳокимиятининг диний сиёсатида кескин бурилиш босқичи бошланиб, бу жараён 1941 йилгача, яъни СССР Иккинчи жаҳон урушига тортилгунига қадар узликсиз давом этиб турди. Мамлакат бўйлаб «худосизлик учун кураш» ҳаракати бошланди. СССР республикаларида даҳрийликни тарғиб қиладиган, ҳар қандай динни янгилик ва ислохотлар душмани, эскилик сарқити сифатида қоралайдиган матбуот органларига асос солинди. Ўзбекистонда ҳам «Худосизлар» журнали, «Курашчан худосизлар» ташкилоти кабилар орқали ислом динига қарши аёвсиз ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб борган масжид ва мадрасалар ёпилди, диндор аҳоли ислом фарзларини бажариш имкониятидан маҳрум қилинди, диний уламолар қатъий таъқиб остига олинди. 1927-1938-йилларда сақланиб қолган айрим масжидларда имомлик қилаётган ва диний маросимларни ўтказиб қатағонлардан омон қолган оз сонли уламоларга ҳам катта миқдорда солиқ солинди. Асоссиз равишда йирик миқдордаги солиққа тортилган мулла ва эшонлар солиқ тўлаш қобилиятига эга эмасдилар. Охиросида уларни судга тортиш, жиноятчи сифатида тутқинликка маҳкум этиш авж олди.

1927-1941 йиллар давомида мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар билан бирга, халқимиз ўзининг диний илмдан мукаммал хабардор бўлган уламоларидан ҳам ажралиб қолди. Бу эса кейинчалик жамиятда диний мутаносибликни вужудга келишига, дин байроғи остида ноҳўя ҳаракатларни содир бўлишига сабаб бўлди.

Мазкур мавзуга оид илмий адабиётлар, манбавий маълумотлар тахлили натижасида диссертациянинг якунида қуйидаги якуний хулосаларга келинди:

1917-1922-йиллар совет ҳокимиятининг мусулмон диний муассаса ва ташкилотларига ҳамда диндорларга нисбатан шафқатсиз ва зўравонлик сиёсати юритилган дастлабки босқич бўлиб, аввалбошданок ушбу ҳукуматнинг бу йўналишдаги стратегик йўлини белгилаб берганди.

1922-1926-йиллар – мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар руҳоний ва диндорларга бир қадар эркинлик бериш, “илиқлик” босқичи бўлиб, тарихий вазият совет ҳокимиятнинг ўз мақсадлари йўлида вақтинчалик даҳрийлик сиёсатидан чекинишига сабаб бўлганди.

1927-1941-йиллар – даҳрийлик учун аёвсиз кураш босқичи. Мусулмон муассаса ва ташкилотларнинг тугатилиши, руҳонийларни шафқатсиз қатағон қилиниш даври ҳисобланиб, жамиятнинг маънавий асосларига диндорлар ва уламоларга узоқ давргача ўзларини тиклай олмаслик зарбасини берди.

1941-йилда уруш туфайли тарихий вазиятнинг ўзгариши, диндорларга бир қадар ҳуқуқий эркинликлар берилиши, диний ташкилот ва муассасаларни давлат томонидан тўла назорат остига олиш билан боғлиқ махсус ташкилотлар тузилиши жараёни кечди.

Урушнинг тугаши ва тинч ҳаётга ўтилиши билан давлатнинг қатъий назорати остидаги ўта чекланган “виждон эркинлиги”, диний маросимларга қисман руҳсат бериш каби ҳолат кузатилади. Аммо бу сиёсат ҳам узоқ давом этмай, совет ҳокимиятининг динга қарши сиёсати кейинчалик, 1950-йиллардан кейин очикдан-очик намоён бўлди.

Совет ҳокимиятининг мулкдорлар ва уламоларга қарши қатағон сиёсати бир томондан совет мафкуриси ва иқтисодий тузумини қарор топтиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан уларнинг мол-мулкини давлат ҳисобига тортиб олишга, учинчи жиҳатдан эса совет тузумига қарши фикрлайдиган ҳар қандай мустақил фикр эгасидан қутулиш мақсадига қаратилган эди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I Раҳбарий адабиётлар**

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- I.2. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-жилд Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
- I.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
- I.4. Каримов И.А. Аллоҳ калбимизда, юрагимизда. // Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

### **II Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар**

- II.1. О религии и церкви. Сборник высказываний классиков марксизма-ленинизма, документов КПСС и Советского государства. –М.: Политиздат, 1981.
- II.2. Саидов А., Юнусова О. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонуни. – Тошкент: Адолат, 1992.
- II.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: “Тошкент Ислон университетини ташкил этиш тўғрисида” Маърифат, 1999 йил 10 апрел.
- II.4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992.
- II.5. Қонун, дин, черков: Марксизм-ленинизм классикларининг дин ва атеизм тўғрисидаги фикрлари, СССР ва Ўзбекистон ССР ҳукуматларининг ана шу масалага оид ҳужжатлари тўплами. -Тошкент: Ўзбекистон, 1987.

### **III Асосий адабиётлар**

- III.1. Алимова. Д.А., Голобанов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. Т., “Ўзбекистон”, 2000.

- Ш.2. Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Тошкент. “Фан”, 2009.
- Ш.3. Алимова Д.А. Ислам и “воинствующий” атеизм в литературе Узбекистана 20-30-х годов // Ўзбекистон тарихи. - №4, 2000.
- Ш.4. Аҳмад Закий Валидий. Тўғон. Бўлингани бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Бошқирд тилидан Шерали Турдиев таржимаси. Т., “Адолат” 1997.
- Ш.5. Ахророва Ҳ. Истиқлол фидоийлари. Изларини излайман Т., “Шарқ” 1998.
- Ш.6. Босиров Ҳ. Октябрь в Туркистане. Т., 1922.
- Ш.7. Вахобов М.Г. Формирование узбекской националистической нации. Т., 1961.
- Ш.8. Жадидчилик: ислохот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., “Университет”, 1999.
- Ш.9. Зиёева Д. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари. Туркистон мустақиллиги бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., “Фан”, 1996.
- Ш.10. Инқилоб жангчилари . Т., “Ўзбекистон”, 1990.
- Ш.11. Йўлдашев Х. Троицкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани Т., “Ўзбекистон”, 1978.
- Ш.12. Мунаввар Қори Абдурашидхонов (жадидчилик тарихидан лавҳалар) Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. Тиб “Шарқ”, 2001.
- Ш.13. Мустафо Чўқай ўғли. Шўролар ҳокимиятида (пролетариат диктатураси тавсифига доир), Париж, Ёш Туркистон. 1935.
- Ш.14. Ражабов Қ.К., Хайдаров М. Туркистон тарихи. Т., “Университет”, 2002.
- Ш.15. Саидов Н. Хужумкор атеизм учун. –Тошкент: Ўзбекистон, 1984.
- Ш.16. Саксонов Т. Маданият ёдгорликлари ва атеистик пропганда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982.



- Ш.17. Савельев В. Н. Свобода совести: История и теория. –М.: Высшая школа, 1991.
- Ш.18. Социально-политические представления в исламе: история и современность (Редкол. И. М. Смилянская). –М.: Наука, 1987.
- Ш.19. Сулаймонова Х. С. Дин-аёллар озодлиги душмани. –Тошкент: Ўзбекистон: КП МК нашриёти, 1964.
- Ш.20. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Т., “Шарқ”, 2001.
- Ш.21. Тохир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т., “Чўлпон” нашриёти. 1994.
- Ш.22. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., “Фан”, 1996.
- Ш.23. Турсунов Ислоҳ. Истиқлолга интиланган қалблар нидоси. Т., 1993.
- Ш.24. Убайдуллаев Ў. Қатағон қурбони. . “Фан ва турмуш”, 2001, № 3.
- Ш.25. Узоқов Хайдарали. Қалблар нидоси. Тарихий илмий публицистик очерклар. 2- жилд. Биринчи-иккинчи китоб. Т., “Адолат”, 1997.
- Ш.26. Ўзбекистон ССР тарихи. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. Т., 3 т., 1971.
- Ш.27. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам №2. Т., “Шарқ”, 1999.
- Ш.27. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида Т., “Шарқ”, 2002.
- Ш.28. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд, Т., 2006 йил.
- Ш.29. Шамсутдинов Р.Т. “Жасоратга тўла ҳаёт соҳиби”. Андижон. 1991.
- Ш.30. Шамсутдинов Р.Т. Тарихий маросимимизга бир назар. Андижон, “Мерос”, 1994.
- Ш.31. Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. Андижон, 1998.
- Ш.32. Шамсутдинов Р.Т. Ёднома. . “Фан ва турмуш”, 2000, №1.
- Ш.33. Шамсутдинов Р., У Ў. “Миллий Иттиҳод” чи тамғаси билан қатағон қилинганлар. “Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари”. 2-жилд. Фарғона, 2000.

- Ш.34. Шамсутдинов Р. Т. Ўзбекистонда советларининг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т., “Шарқ”, 2001.
- Ш.35. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т., “Шарқ”, 2001.
- Ш.36. Шамсутдинов Р.Т. Убайдуллаев Ў. Дипломат Абдурахим Юсуфзода. . Мулоқот. 2001. № 1.29-30-бетлар. № 2.
- Ш.37. Шамсутдинов Р.Т. Чустлик арбоб фожиаси. “Хуррият”, 2002 йил 20 ноябрь.
- Ш.38. Шамсутдинов Р, Убайдуллаев Ў. Хурлик туйғуси билан яшаган эди ..... “Ўзбекистон матбуоти”, № 5. 2002
- Ш.39. Қиличев Файзулла. Зулматдан садолар. Т., “Адолат”, 1994.
- Ш.40. Юсупов Э. Фан билан диннинг қарама-қаршилиги. –Тошкент: Ўздавнашр, 1959. -82 б.
- Ш.41. Юсупов Э. Ислон динининг келиб чиқиши ва унинг зарарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1962. -17 б.
- Ш.42. Яковенко А. Дин халқ учун афюндир. –Тошкент: ЎзССР Фан нашриёти, 1951.

#### **IV Илмий тадқиқот ишлари**

- IV.1. Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Фарғона: 2008.
- IV.2. Болтабоев С. Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 1995.
- IV.3. Ганиев Ж.Х. Проблемы историографии религиозных конфессий в Узбекистане (1917-2000гг.). Автореф. дис....канд. ист. наук. –Ташкент, 2008.

IV.4. Исмоилова Д. А. Роль и место ислама в общественно-политической и духовной жизни народов Туркестана (конец XIX - начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Тошкент: 2006.

## **V Интернет маълумотлари**

V.1. e-tarix.uz

V.2. islom.uz

V.3. imombukhari.uz

V.4. ziyonet.uz